

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

***Х.А.ТУРАББАЕВ***

**СУД-ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИДА  
ИДЕНТИФИКАЦИОН ТАДҚИҚОТИ: ЭКСПЕРТ  
ХУЛОСАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ**

*Ўқув қўлланма*

Мутахассислик коди:

650000 – Ҳарбий таълим

5240100 - Юриспруденция

Тошкент — 2023

**Тақризчилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг Суд баллистика ва изшунослик экспертизаси лабораторияси мудир **Э.И.Чуряков**.
2. ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси профессори, фан доктори (DSc) профессор подполковник **Л.Ю. Югай**.

**С- Суд-трасологик экспертизасида идентификацион тадқиқоти: эксперт хулосасининг тузилиши ва мазмуни Ўқув қўлланма.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. — 66 б.**

Уқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика Бош маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг суд-трасологик экспертизаси ихтисослигига эга бўлган давлат суд экспертларининг амалий иш тажрибаси асосида тайёрланган. Бу турдаги экспертиза хулосаларини тузишда типик хатолар ва камчиликларни таҳлил қилиш асосида, ҳозирги кунда суд-экспертлик амалиётида энг кенг тарқалган трасологик идентификация тадқиқотлар бўйича эксперт хулосаларини тузиш учун маълумотлар баён қилинган.

Эксперт-трасологлар ва суд-трасологик экспертизаси мутахассислиги йўналишида бўйича таълим олувчи талаба ва курсантларга мўлжалланган.

**УЎК 34(575.1)**  
**ББК 67.4/67.9**

**© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.**

**© Тураббаев Х.А.2023.**

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида экспертнинг хулосасини далилларни тасдиқлаш воситаси сифатида кўрсатади, яъни “Ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, **экспертнинг хулосаси**, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади”<sup>1</sup>. Бироқ, экспертнинг хулосаси далилларнинг умумий туркумларидан ажратилмайди.

Шу билан бирга, эксперт хулосаси ва бошқа далил манбалари ўртасида сезиларли фарқ мавжуд бўлиб, бу фарқ ўтказилган тадқиқотлар асосида шаклланадиган ва илмий асосланган **хулосавий маълумотларининг** мавжудлигидадир. Бу қоида “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-модасида “Суд экспертнинг хулосаси (хулоса) қилинган фикрларнинг асослилиги ва ишончлилигини умум эътироф этилган илмий ва амалий маълумотлар базасига мувофиқ текшириш имкониятини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (2019 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). 81-модда // Расмий нашр –Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2019.

берадиган қоидаларга асосланиши лозим”<sup>1</sup> деб белгилаб қўйилган ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг суд экспертининг ҳуқуқ ва мажбуриятари белгиланган 68-моддасида “...ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши ...” деб кўрсатилган.

Ушбу қоидалар эксперт хулосасининг мазмуни, тадқиқотлар жараёнини тавсифлаш тартиби ва якуний хулосаларнинг асосланишига қўшимча талаблар қўяди. Бу қоидалар, айниқса, идентификацион экспертизаларга тааллуқлидир, чунки айнан уларнинг натижаларига кўра тергов қилинаётган воқеа билан бевосита боғлиқ бўлган аниқ бир шахс ёки объект аниқланади.

Эксперт хулосаси дастлабки тергов ва суд жараёнида баҳоланиши лозим бўлган ишдаги далиллар ҳисобланади. Эксперт хулосаларининг асослилиги ва ишончлилиги, одатда, хулоса матни ва унга кўرғазмали илова ҳисобланган фото-жадвалга мувофиқ баҳоланади, шу боисдан, ўзбошимчалик билан қўлланилган махсус атамалар, ноаниқ таърифлар, тадқиқот жараёнининг изчил бўлмаган ва мантиқсиз баё этилиши каби камчиликлар ва ниҳоят, оддий саводсизлик – суд эксперти томонидан аниқланган ҳолатларнинг (фактлар) далилий қийматининг аҳамиятини баҳолашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Эксперт хулосаларини тузиш методикаси бир қатор махсус адабиётларда батафсил тавсифланган<sup>2</sup>. Шу билан бирга, суд

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, 26-модда. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010 – 22-сон. – 173-м.

<sup>2</sup>Рустамбаев М.Х., Норбоев А. Криминалистика: Чизмалар альбоми. – Т., 2002;

экспертлик амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, суд экспертлари ўтказилган аниқ суд экспертизалари натижалари бўйича хулосалар матнларини тузишда кўпинча жиддий қийинчиликларга дуч келишади, натижада эса фикрларни баён қилиш кетма-кетлигини бузилишига, мантиқий хатоларга олиб келади. Бу ҳолатлар эса якуний хулосаларни етарли асосланишга салбий таъсир кўрсатади.

Эксперт хулосалари намуналарининг нашр этилиши қуйидаги иккита сабабга кўра юқоридаги муаммоларни тўлиқ ҳал қила олмайди:

– жиноят ишларини тергов қилиш доирасида барча трасологик объектларнинг идентификацион экспертизлари хулосасининг намунасини яратиш мумкин эмас;

– экспертиза хулосалари намуналарининг суд-экспертлари томонидан ўз амалий фаолиятида “шаблон” сифатида фойдаланиш муқаррар равишда тадқиқот тамойиллари бўлмаган ва ижодий ёндашилмаган хулосалар тузилишига олиб келади ва бу эксперт хулосаларининг далилий аҳамияти ва қийматининг пасайишига сабаб

---

Криминалистика: Дарслик. 1-қисм // проф. Ғ.А. Абдумажидов таҳр.ост. – Т., 2003; Трасологик экспертиза. Р.Р. Шакуров, Ш.Х. Камиллов, Т.Б. Маматкулов ва бошқ. Дарслик. – Т., 2012; Криминалистика. Ш.Т. Джуманов. Дарслик. – Т., 2017; Закурлаев А.К. Махмудов К.О.Криминалистика. Дарслик. Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти. – Т., 2018; Зулфукоров А.А., Тураббаев Х.А., Нуриддинов С.С., Хамидов Б.Х. // Кийим изларининг трасологик экспертизаси методикаси: Услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети, 2020; Чуряков Э.И., Хамраева Ф.А., Азимова И.А., Зулфукоров А.А. / Кийимлардаги турли из ва шикастланишларнинг трасологик тадқиқотлари методикаси: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ, 2019; Трасология и трасологическая экспертиза. Учебник / Кантор И.В. (отв. редактор), Ярмак В.А., Жигалов Н.Ю., Смольяков П.П. (отв. секретарь). – М., 2002; Сухарев А.Г., Калякина А.В., Егоров А.Г., Головченко А.И. «Трасология и трасологическая экспертиза». – Саратов, 2010;

Жукова

Н.А. Трасология и трасологическая экспертиза. Теоретические основы: учебное пособие для вузов / Н.А. Жукова, И.Н. Кислицина. — 2-е изд., испр. и доп. — М., 2019; Калякина А.В. Описание объектов трасологической экспертизы и образцы заключения эксперта: учебное пособие / А. В. Калякин [и др.] – Саратов, 2000; Калякина А.В. Образцы заключений трасологической экспертизы: учебное пособие / А.В. Калякин, Р.Е. Демина, А.А. Киселев. – Саратов, 2004.

бўлади.

Шу сабабли, суд-экспертлик амалиётида кенг тарқалган, трасологик объектларнинг идентификацион тадқиқотларининг ҳар бир босқичи бўйича эксперт хулосасининг керакли қисмини (лавҳа) тўғри тузиш бўйича тавсияларни ўзига олган қўлланмаларни ўрганиш суд экспертларига самаралироқ бўлади.

## **1–§. ИДЕНТИФИКАЦИОН СУД-ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИНИНГ УМУМИЙ ТУЗИЛИШИ**

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида суд экспертнинг хулосасига қўйиладиган талаблар мавжуд. Жумладан: “Суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча суд эксперти ёхуд суд экспертлари комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир суд эксперти имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади. Хулосада:

суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой; суд экспертизасини ўтказиш асоси; суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар; суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; била туриб нотўғри хулоса берганлиги, терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин

товлаганлиги учун суд эксперти жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; суд экспертининг олдига қўйилган саволлар; суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари; суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертининг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин. Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади”<sup>1</sup>.

Суд экспертининг хулосасига нисбатан аниқ талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, 23-модда. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. – 22-сон.–173-м.

муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий низом”да ҳамда тасарруфида суд экспертиза муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида кўрсатилган. Жумладан, юқоридаги намунавий низомда: “Эксперт хулосаси уч қисмдан: кириш, текшириш ва хулосалар (яқунловчи) қисмлардан иборат бўлади”<sup>1</sup> деб белгиланган.

Суд эксперти хулосаси қисмларнинг мазмуни – исботловнинг мантиғи ва умумий методикаси томонидан бу қисмларнинг ҳар бирига берилган маълум бир функцияларни бажарилишини таъминлаши керак.

**Суд эксперти хулосасининг кириш қисми.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида Намунавий низом”нинг 29-бандида “Эксперт хулосасининг кириш қисмида экспертнинг ҳуқуқлари ва

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – Тошкнт, 2011 й., – 1-2-сон, – 7-м.



мажбуриятларини унга тушунтириш ва уни билиб туриб нотўғри хулоса берганлиги, иш материалларини ошкор қилганлиги, шунингдек узрли сабабларсиз хулоса беришни рад этганлиги ёки бундан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тушунтирилганлиги ҳақидаги эксперт тилхати олинганлиги кўрсатилади” ҳамда 30-бандида “Хулосанинг кириш қисмида экспертиза ўтказиш асослари, экспертиза ўтказишни тайинлаган орган (шахс), текширишни ўтказган эксперт (экспертлар), экспертиза ҳал этиши учун қўйилган масалалар, текшириш ўтказиш учун тақдим қилинган материаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек экспертизани ўтказиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади” деб белгиланган.

Суд экспертиза муассасларида ягона шаклда ишлаб чиқилган стандарт шаклларни тўлдириш суд экспертлари учун жиддий қийинчиликларни келтириб чиқармайди. Шу билан бирга, амалиёт шунни кўрсатадики, суд экспертлари тез-тез ушбу қоидаларга жиддий эътибор қаратмайдилар, бу эса суд муҳокамаси пайтида ҳимоячиларга (адвокат) қўшимча экспертиза тайинлаш учун асосларни илгари суришга имкон беради.

Бундай ҳолатлар суд экспертлари томонидан суд экспертиза соҳасига оид амалдаги қонунчилик талабларини бузганда кузатилади, натижада экспертизада ҳал қилиш учун қўйилган саволларни ҳал қилиш малака ва ваколатларига, уларнинг касбий тайёргарлиги ва ихтисослик даражасига шубҳа туғилади.

Бу каби ҳолатларни бартараф қилиш учун хулосанинг кириш қисмига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

талабларга қатъий риоя этиш лозим.

Жумладан, эксперт хулосасининг кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

— экспертнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириш ва уни билиб туриб нотўғри хулоса берганлиги, иш материалларини ошкор қилганлиги, шунингдек узрли сабабларсиз хулоса беришни рад этганлиги ёки бундан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тушунтирилганлиги ҳақидаги эксперт тилхати олинганлиги;

— унинг номи (тури, хили), агар қўшимча ёки қайта, комиссиявий ёхуд комплекс экспертиза бўлса алоҳида кўрсатилади;

— экспертиза қачон ва ким томонидан тайинлангани, қандай иш бўйича, уни ўтказиш вақти ва жойи;

— экспертиза ўтказиш топширилган суд-экспертиза муассаси ва суд эксперти (экспертлар) ҳақидаги маълумотлар. Экспертнинг фамилиси, исми-шарифи билан бирга, унинг маълумоти, мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, иш стажи (экспертиза ўтказиши лозим бўлган мутахассислиги, суд эксперти сифатидаги стажи кўзда тутилади), агар мавжуд бўлса илмий унвон ва даражаси;

— экспертиза ўтказиш учун асос, яъни экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим);

— кўрилаётган ишнинг қисқача моҳияти ва айнан қандай махсус билимлардан фойдаланиб нималарни аниқлаш лозимлиги.

— қўшимча ва қайта экспертиза ўтказишда бирламчи экспертиза бўйича қисқача маълумотлар — қачон, қаерда ва ким томонидан ўтказилган ва берилганлиги;

— суд эксперти олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволлар. бу ҳолда ижобий амалиёт мавжуд, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорни чиқарувчи шахс (орган), қарор чиқаришда, ушбу мутахассисликка эга суд эксперти билан ёки айнан шу экспертизани ўтказувчи эксперт билан, суд эксперти олдига қўйилган саволларни шакллантириш бўйича маслаҳатлашади. Бу каби амалиёт қарорга ғализ, экспертнинг ваколатига тегишли бўлмаган, натижасида саволларни суд эксперти томонидан нотўғри оушунишга сабаб бўладиган нотўғри шакллантирилган саволлар қўйишни олдини олади. Агар саволларни шакллантиришда унчалик жиддий бўлмаган ноаниқликлар мавжуд бўлса, суд эксперти бундай саволларни экспертиза муасасасининг раҳбари розилиги билан қайта таҳрир қилиши мумкин, раҳбар эса бу ҳақда экспертиза тайинлаган шахсга хабар беради. Бу борада ҳам ижобий амалиёт мавжуд, бунда саволлар экспертиза тайинлаган шахснинг (орган) розилиги билан суд эксперти томонидан қайта таҳрир қилинади ва бу ҳолат эксперт хулосасида баён этилади. Шу билан бирга эксперт, хулосада саволларнинг дастлабки шакллантирилган нусхасини ҳам кўрсатишга мажбур. Экспертнинг ташаббуси билан қўйилган саволлар ҳам хулосанинг кириш қисмида, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) келтирилган саволлардан кейин кўрсатилади;

— экспертизага тадқиқотлар ўтказиш учун тақдим этилган тадқиқот объектлари ва ишнинг материаллари;

— экспертиза ўтказишда иштирок тадиган процесс иштрокчилари ҳақида маълумотлар. Агар улар томонидан тегишли

ариза ёки илтимосномалар киритилган бўлса, бу ҳолда бу иштирокчилар ва аризаларни кўрибчиқиш натижалари ҳам қайдэтилиши лозим;

— мавжуд амалиёт ва идоравий меърий-ҳуқуқий қонунчилика биноан экспертнинг, унга қўшимча материаллар тақдим этилиши бўйича илтимосномаси ва унинг натижалари (агар бундай илтимоснома киритилган бўлса).

## **2–§. СУД ЭКСПЕРТИ ХУЛОСАСИНИНГ ТАДҚИҚОТ ҚИСМИ**

Эксперт хулосасининг ушбу қисмида эксперт томонидан қўлланилган тадқиқот методлар, усуллар, шунингдек фойдаланадиган асбоблар ва техник воситалар рўйхати кўрсатилган ҳолда объектларнинг тадқиқотлари жараёни тўлиқ тавсифланган бўлиши керак.

Идентификацион вазифаларни ҳал қилиш учун трасологик объектлар тадқиқотларининг анъанавий тархи (схема) қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- дастлабки тадқиқотлар;
- алоҳида тадқиқотлар;
- эксперт эксперименти;
- таққослаш тадқиқотлари;
- таққослаш тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш ва якуний хулосаларни (жавоблар) шакллантириш.

Трасологик экспертизалари методикасига бағишланган кўплаб адабиётларда ушбу босқичларнинг баъзилари бошқача номланган. **Масалан**, дастлабки тадқиқотлар босқичи эксперт кўздан кечириши

ёки алоҳида тадқиқотлар батафсил тадқиқотлар деб номланади. Бу масалалар бўйича илмий баҳсга киришишни мақсад қилиб қўймасдан, фикримизча, идентификацион трасологик экспертизасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичларнинг юқоридаги каби таклиф этилган номлари уларнинг мазмунига энг мос келишини таъкидлаш мумкин.

Тадқиқотларнинг асл жараёни, суд эксперти фикрлашларининг кетма-кетлиги ва бу жараёнларнинг хулоса матнидаги баёни ҳар доим ҳам ўзаро мос келавермайди. Чунки, кўп ҳолларда тажрибали суд эксперти тадқиқотнинг дастлабки босқичидаёқ якуний хулосага келади. Ёки аксинча, айрим қийин ҳолатларда, суд эксперти тадқиқотларнинг амалга оширилган босқичларига бир неча бор қайтишга мажбур бўлади (эксперт экспериментини такрорлаш, таққослаш тадқиқотларини қайта ўтказиш ва ҳ.к).

Шу билан бирга, хулосани далиллар занжиридаги бўғинлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда чиқарилган хулосаларни асослаш зарурати, ўтказилган тадқиқотлар жараёнлари ва боришини экспертнинг хулосаси баён этилишининг қатъий тартибига оғишмай риоя қилишни белгилайди. Бу қоидаларни ҳар қандай бузилиши экспертнинг хулосаларининг (якуний жавоб) далилий қийматининг сезиларли даражада пасайишига, айрим ҳолларда эса унинг рад этилишига олиб келади.

Эксперт хулосаси тадқиқот қисмининг матни тадқиқотлар мантиқийлигини, эксперт фикрларининг изчил ва белгиланган кетма-кетликда боришини, унинг оралик ва якуний хулосаларининг ишончли тарзда акс эттириши керак.

Экспертнинг хулосаси матнидаги ҳар бир тадқиқот босқичининг номи алоҳида ажратиб кўрсатилиши белгиланмаган, аммо матнни баён этиш юқорида тартибга (кетма-кетликка) мос келиши керак. Ҳар бир босқичнинг тавсифи ҳар доим хатбошидан бошланади. Суд экспертлик амалиётида хулоса матни тушунарли бўлиши учун тадқиқот босқичлари номларини алоҳида ажратиб кўрсатиш маъқулланади.

Суд эксперти томонидан объектларни тадқиқотлари натижалари бўйича чиқарилган якуний жавоблар (хулоса) эксперт хулосасининг энг муҳим қисмини ташкил этадиган алоҳида мустақил бўлимда келтирилади. Улар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда (ажрим) келтирилган барча саволларга тўлиқ батафсил жавоблардан иборат бўлади.

Якуний жавобларнинг (хулосалар) мазмуни суд жараёнининг барча иштирокчилари учун тушунарли ва турлича талқин қилинмайдиган даражада аниқ бўлиши керак.

*Дастлабки тадқиқотлар.* Ушбу босқичдаги суд экспертнинг асосий ҳаракатлари қуйидагилардан иборат:

- тадқиқот объектлари ўрамининг ҳолатини ўрганиш;
- тадқиқот объектлардаги энг умумий сифатга оид ва миқдорий хусусиятларини аниқлаш;
- тадқиқот объектларининг сони ва уларнинг ташқи белгиларини, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарордаги тавсифига мослигини аниқлаш;
- шу турдаги экспертизани ўтказиш имконияти ва мақсадга

мувофиқлиги тўғрисида фикрларни шакллантириш (объектларнинг ҳолатига, суд экспертига берилган саволларнинг мазмунига, суд экспертиза муассасасида бу турдаги тадқиқотларнинг ўтказиш учун зарур илмий-техник базанинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда ва бошқ.).

– тадқиқотларни ўтказишнинг дастлабки режасини тузиш.

Бу босқичларнинг ҳар бирининг мазмунини қисқача кўриб чиқайлик.

**1-босқич.** тақдим этилган объектлар ўрамини тадқиқотларининг мақсади қуйидагига қаратилган бўлади: объектларнинг сақланишини таъминланиши, уларни алмаштириш имкониятларини истисно этиши, уларнинг дахлсизлигини кафолатлаши.

Бунинг натижасида, эксперт хулосаси матнида объект ўрамининг номи (пакет, ўрам, конверт, қути ва бошқ.), материали (қоғоз, полиетилен, мато, картон, фанера ва бошқ.), ранги, шакли, шунингдек ўрамнинг ҳолати ва сифати қайд этилиши керак. Ўрамда муҳр босилганлигига (муҳрнинг мазмуни кўрсатилиши керак), объектларни олиб қўйилган жой ва сана тўғрисидаги маълумотларга, терговчи ва холисларнинг имзоларига, объектлар рўйхатига (уларнинг номи ва сони) алоҳида эътибор берилиши керак.

Объектларни нотўғри ўраб-жойлаштириш, унинг бузилиши ёки шикастланиши кўпинча объектларнинг идентификацион белгилари ва улардаги изларнинг бузилишига ёки йўқолишига олиб келади, бу эса бир қатор ҳолларда экспертнинг нотўғри хулосалар беришига саба бўлиши мумкин.

Тадқиқот объектларини ўраб-жойлаштириш талаблари

амалдаги қонунчилик ва идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлганлиги сабабли, суд эксперти ўрамнинг ушбу талабларга мувофиқлигини хулоса матнида қайд этиши керак.

**Изоҳ:** Амалда эса, суд экспертлари кўпинча шунчаки объект ўраб-жойлаштирилганлигини ёки унинг расмий тавсифини баён этиш билан чекланиб қолишади, бу ҳолатни эса суд экспертининг камчилиги деб баҳолаш керак.

Юқорида каби хулоса фақат ўрамни очиб, унинг таркиби ва объектларнинг ҳолатини текширгандан сўнггина амалга оширилиши керак. Экспертнинг хулосаси матнида бу каби қайдларнинг (хулоса) мавжудлиги суд экспертининг ушбу масалага жиддий ёндошганлигидан далолат беради. Бу ҳолат бир томондан, суд экспертини йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолардан ҳимоя қилишнинг бир тури бўлиб хизмат қилади, бошқа томондан эса суд экспертини тадқиқотлар натижасида чиқарилган хулосаларнинг ишончлилиги учун жавобгарлигини белгилайди. Ушбу шартга риоя қилмаслик ва эътиборсиз қолдириш, суд экспертини тадқиқотларнинг якуний натижаси учун жавобгарликдан озод қилмасдан, унинг малакаси ва касбий тайёргарлиги даражаси тўғрисида салбий фикрни шакллантиришга сабаб бўлиши мумкин.

Объектлар ўрамнинг амалдаги қоидаларга ҳарқандай москелмаслиги суд эксперти томонидан хулосада акс эттирилиши керак.

Суд экспертиза муассасасига келтиришда (транспортировка, ташиш) юзага келган қайтариб бўлмайдиган ўзгаришларга дуч келган



объектларни (парчаланиб кетган гипс, занглаган из ёки асбоб ва ҳ.к.) тадқиқот учун тақдим қилинганда, барча аниқланган бузилишлар ва ўзгаришлар суд фотографияси қоидаларига асосан фотосуратга олиниши керак.

**2-босқич.** Дастлабки тадқиқотлар тадқиқот объектларининг номи, материали, сиртининг хусусиятлари ва ранги, ишлаб чиқариш ёки хўжалик ишларига мўлжалланган мақсадлари, ўлчов хусусиятлари, маркировка ёзув ва белгилари ҳақида фикр юритишга имкон берадиган умумий белгиларини аниқлашга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, экспертиза тайинлаган шахс, суд экспертиза соҳасида махсус билимга эга бўлмаганлиги боис, объект номини нотўғри аниқлаган бўлиши мумкин. Масалан, пломбани тамға, ломни монтировка, пломба осгичини назорат сими ва ҳ.к. деб номланади. Бундай ҳолларда суд эксперти, ўрамни бузилмаганлигига ва ундаги буюмларни алмаштириш мумкин эмаслигига, шунингдек, объектларнинг ташқи тузилиши ва они экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилганига мос келишига ишонч ҳосил қилиб, ушбу ҳолатни эксперт хулосасида қайд этиш керак.

**3-босқич.** Тадқиқот объектларининг номи, сони ва ташқи тузилиши экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилганига мос келишига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, суд эксперти ушбу ҳолатни эксперт хулосаси матнида қайд этади.

**4-босқич.** Одатда, бундан кейин суд экспертибу турдаги тадқиқотларни ўтказиш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги (имкони борлиги) тўғрисида бир қарорга келади.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

қонунида суд экспертнинг экспертиза тайинлаган органга (шахс) хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида хабар бериш ҳуқуқига оид шартлар белгиланган. Бундай шартлар қуйидагилар:

қўйилган масала суд экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун махсус билимлар талаб қилинмаса ёхуд масала ҳуқуқий тусга эга бўлса;

тақдим этилган текшириш объектлари ёхуд материаллар уларнинг тўлиқ ёки сифатли эмаслиги туфайли хулоса бериш учун яроқсиз бўлса ва тўлдирилиши мумкин бўлмаса;

агар илм-фан ва экспертиза амалиётининг ҳолати қўйилган масалаларга жавоб бериш имконини бермаса;

текширишларни ўтказиш ва хулосалар бериш учун зарур шарт-шароитлар, услубий воситалар ва асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса.

Бундай ҳолларда қўйилган масалалар юзасидан хулоса бериш мумкин эмаслиги тўғрисида асосланган ҳужжат тузади ҳамда уни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборади.

Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат (далолатнома) уч қисмдан: кириш, асословчи ва яқунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисмида экспертиза ўтказиш асослари, экспертиза ўтказишни тайинлаган орган (шахс), текширишни ўтказган эксперт (экспертлар), экспертиза ҳал этиши учун қўйилган масалалар, текшириш ўтказиш учун тақдим қилинган материаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек экспертизани ўтказиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар баён қилинади.

Асословчи қисмида хулоса бериш имкони йўқлиги сабаблари батафсил баён қилинади.

Яқунловчи қисмида эксперт олдига қўйилган ҳар бир масала бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги кўрсатилади.

Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат (далолатнома) икки нусхада тузилади, эксперт томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин унинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан экспертизани тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчиси эса экспертиза муассасасида 5 йил мобайнида сақланади. Агар хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома судда кўриб чиқиш босқичида тузилган бўлса у эксперт томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

Таъкидлаш жоизки, экспертиза тайинлаган шахс билан келишилган ҳолда, эксперт олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволлар матнини ўзгартириш (тахрир қилиш) мумкин. Бундай ҳолда, ҳеч қандай ҳужжат (масалан, билдиришнома) тузилмайди.

Юқорида таъкидланган ҳолатлардан, суд эксперти қўйилган саволга жавоб беришнинг иложи йўқ (масалани моҳиятан ҳал қилиш мумкин эмас) деган хулосага келган ҳолат билан адаштирмаслик керак. Саволга жавоб беришнинг имкони йўқлиги ҳақидаги хулоса суд эксперти томонидан ўзининг махсус билимлари ва криминалистик техникаларни қўллаган ҳолда ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида шакллантирилади.

Идентификацион трасологик тадқиқотларда, аксарият ҳолларда бундай турдаги хулосалар беришнинг бевосита сабаби суд эксперти томонидан излар (ёки уларнинг нусхалари ва моделлари) тадқиқот объектни (объектларни) идентификация қилиш учун яроқсиз эканлигини аниқлашдан иборат бўлади.

**5-босқич** Тадқиқот ўтказиш имконияти тўғрисида ижобий қарор қабул қилингандан сўнг, суд эксперти тадқиқотларнинг тартиби ва кетма-кетлигини белгилайди: эксперт эксперименти ўтказиш зарурияти вабунинг учун зарур материаллар, таққослаш тадқиқотлари босқичининг усули ва техник таъминоти, керакли фотографик материаллар ва ҳ.к.

### **3–§. АЛОҲИДА ТАДҚИҚОТЛАР БОСҚИЧИ**

Идентификацион трасологик экспертизанинг ушбу босқичи белгиланган кетма-кетликдаги икки босқичга бўлинади:

- изларнинг (уларнинг нусхалари, моделлари) тадқиқотлари;
- тахмин қилинган из ҳосил қилувчи объектларнинг тадқиқотлари.

Мазкур босқич номининг ўзи ҳам тадқиқот объектлари бирма-бир кўриб чиқилишини таъкидлайди. Бу қоида асосан, суд эксперти ҳаракатларини эксперт хулосаси матнида баён қилишга нисбатан қўлланилади, суд эксперти ҳаракатларининг асл (реал) жиҳатларига қўллаб бўлмайди.

Идентификацион трасологик тадқиқотларда, одатда, объектларнинг икки гуруҳи тадқиқот қилинади: излар (уларнинг моделлари ва нусхалари) ва айният масаласи ҳал қилинаётган из

ҳосил қилувчи объектлар. Иккинчи гуруҳ объекти сифатида кўпинча қуйидагилар майдонга чиқади: бузиш қуроллари, пойабзал, кийим (қўлқоп) ва транспорт воситалари.

### ***1. ИЗЛАР, УЛАРНИНГ НУСХАЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ТАДҚИҚОТЛАРИ.***

Трасологик изларни алоҳида тадқиқотларининг якуний мақсади изларни ҳосил қилувчи объектни аниқлашга яроқлилиги (яроқсизлиги) масаласини ҳал қилишдир. Бу мақсадга муваффақиятли эришиш учун суд эксперти аввало изларнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаши керак:

- 1) изли таъсирлашиш тури;
- 2) из ҳосил бўлиш пайтида объектларнинг ўзаро ҳолати ва жойлашиши;
- 3) таъсир қилувчи кучларнинг йўналиши;
- 4) из моддасининг табиати ва таркиби.

Ушбу оралиқ саволларни ечмасдан изнинг ўзи ва из ҳосил қилган объект хусусиятларини объектив таҳлил қилиш ва фарқлашнинг (ажратиш) имкони йўқ. Шу боисдан, алоҳида тадқиқотлар босқичининг эксперт хулосасида баёнида (тавсифи) якуний хулосага олиб келувчи билиш жараёни мантиқий нуқсонсиз, белгиланан кетма-кетликда (изчил) акс эттирилиши керак.

А.И. Винберг ўз даврида “ашёвий далилларни тавсифлаш хусусияти экспертиза мақсади билан аниқланиши керак”<sup>1</sup> деб таъкидлаган эди. Тадқиқотнинг ҳар бир босқичининг тавсифини эксперт томонидан қўлланиладиган методлар, шарт-шароитлар,

---

<sup>1</sup>А.И. Винберг. Криминалистическая экспертиза в уголовном процессе. – М., 1956.

техник воситалар ва қурилмаларни (мослама) санаб ўтишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бу каби ёндашув ҳаракатларнинг дастлабки “қадамлари”дан бошлаб объектлар тадқиқотларининг чуқурлиги, тўлиқлиги ва даражасини тўғри йўналтиришга ва баҳолашга имкон беради.

Алоҳида тадқиқотлар босқичларини эксперт хулосаси матнида таърифлаш тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: *“Объектларни 16 марта катталаштирувчи МБС-9 русумли микроскоп остида, қия тушувчи ёруғликда, 1 ммгача аниқликка эга чизгич ва 0,05 ммгача аниқликка эга микрометр ёрдамида ўлчаши орқали ўтказилган алоҳида тадқиқотлар натижасида қуйидагилар аниқланди: ...”*.

Излар ёки излар мавжуд бўлган объектларни таърифлашнинг умумий тартиби ва кетма-кетлиги кўплаб ўқув-методик қўлланмалар ва методик тавсияларда баён қилинган, шунинг учун уларни яна такрорлашнинг ҳожати йўқ. Бироқ, тадқиқотларнинг мантиқийлиги ва хулосаларни асослаш билан боғлиқ бир қатор фикрлар, афсуски, етарли даражада ёритилмаган ҳолатлар учраб туради.

Экспертнинг хулосаларини таҳлил қилиш кўрсатадики, излар ёки излар мавжуд бўлган объектлар бўйича тадқиқотларнинг мантиқий баён этиш масалаларини суд экспертлари айрим ҳолларда унутиб қўядилар ёки уларни таърифлашда жиддий қийинчиликларга дуч келишади, бу ҳолат эса эксперт хулосалари сифати ва далилий қийматини сезиларли даражада пасайтиради.

Бу масала бўйича энг муҳим ва асосли тавсияларни баён қиламиз:

1. Из ҳосил бўлиш жараёнларига алоқадор бўлмаган ва бу

жараёнларга ҳеч қандай таъсир қилмайдиган из ташувчи объектнинг ташқи тузилиши белгиларининг таърифлари асосий ҳолатда жуда кенг ва батафсил даражада бажарилади. Бундай ҳолатга эшик кесақисининг бузиш қуролининг излари мавжуд бўлган бўлагининг (ёғоч бўлаги)ёки гулқоғознинг (обой) пойабзал изларни мавжуд бўлаги шаклининг ўзига хос хусусиятларини таърифларини мисол қилиш мумкин. Бу каби таърифлар эксперт хулосаси матнини аҳамиятсиз ва кераксизтафсилотлар билан тўлдирилишини келтириб чиқаради, натижада хулоса ҳажмининг асоссиз ортишига ҳамда хулосани тушуниш ва баҳолашнинг қийинлашувига сабаб бўлади.

Из ташувчи объектнинг белгиларини батафсил таърифлаш, бу объектни шу белгилар ва шу хусусиятлар ёрдамида ўзига ўхшаш объектлар гуруҳидан ажратиш зарурати туғилганда керак бўлади.

Тадқиқот объектлари ўралмаган ҳолда тақдим этилган бўлса ҳамда уларни ҳодиса жойидан олинган объектлар билан ўзаро мослигини (ўхшаш) тасдиқлашга хизмат қилса, бу каби батафсил таърифлашларни оқлаш мумкин. Агар объектлар жиноий-процессуал қонунчилик талабларига мос ҳолда ўраб-жойлаштирилган бўлса, батафсил тавсифлар ортиқча ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганларни ҳар томонлама ва тўлиқ тадқиқотлар ўтказишни инкор этиш деб тушунмаслик керак. Бироқ, объектларни тавсифлашда суд эксперти из ҳосил бўлиш механизмини аниқлашга имкон берадиган, яқуний хулосаларни асослаш ва шакллантириш учун асосий ва аҳамиятли бўлган изларга алоҳида эътибор қаратиши керак. Объектнинг барча белгилари тўпламидан (йиғинди, мажмуа) бу изларни тадқиқотлари мақсади –

идентификация қилиш учун хизмат қиладиганларини танлаш керак.

2. Изларнинг ўзининг белгилари ва объектларнинг бу изларда акс этган белгиларини аниқ ажратиш керак, чунки изларнинг шакли ва ўлчамлари ҳардоим ҳам из ҳосил қилувчи объектнинг белги ва хусусиятларини акс эттирмайди. **Масалан**, *шиқаланиш изининг кенглиги* учрашиш бурчагининг катталигига боғлиқ бўлади. Бундай изнинг узунлиги бузиш қуролининг ташқи тузилишини умуман тавсифламаслиги мумкин.

*Тишлаш изларида*, тишлаш сиртларининг шакли ва ўлчамлари асосан из қабул қилувчи объект кесимининг шакли ва ўлчамлари билан аниқланади, **масалан**, симнинг диаметри, объектнинг бўйлама ўқи ва асбобнинг кесувчи қирралари (жағлари) орасидаги бурчак ва ҳ.к.

*Шиналар(ёки пойабзал тагчармлари) сиртий изларининг* шакли ва ўлчамлари кўпинча транспорт воситаси ғилдираги босиб ўтган из моддасини мавжуд бўлган сирт шакли ва ўлчамлари билан аниқланади, **масалан**, асфальтдаги кўлмак, ёқилғи-мойлаш материаллари доғи, қон излари ва бошқ.

*Кийимнинг сиртий излари* шакли ва ўлчамлари уларнинг ҳосил бўлиш механизми ва одам танасига тегишли қисмининг анатомик тузилишига боғлиқ ва натижада кийимни (кийим предмети, элементи) умуман тасвирлаб бера олмайди.

3. Объектнинг изида акс этган умумий белгиларини тўлиқ тадқиқ қилиш ва тавсифлаш зарур. Бу суд экспертига из ҳосил қилувчи майдонни аниқлаш эҳтимоллигини оширади, баъзи ҳолларда эксперт экспериментини ўтказиш заруратини бекор қилади, қатъий



салбий хулосани асослашга хизмат қилади.

*Кесми, ишқаланиши, тишлаш* изларида, одатда, из ҳосил қилувчи объектнинг жуда чекланган умумий белгилари акс этади. Натижада, из ҳосил қилувчи майдон рельефини тавсифловчи белгиларни – чизикли излар ва улар орасидаги соҳаларнинг ўлчов хусусиятлари оралиғи (диапазони), яъни изнинг зичлиги ёки бошқа айтганда изнинг бир бирлик кўндаланг кесимидаги чизикларнинг сони кабиларни эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Шунингдек, эксперт хулосасида из кўндаланг кесимининг (профили) умумий шакли (конфигурацияси) акс эттирилиши керак. Бунда кўндаланг кесим шакли геометрик фигуралар номи билан ифодаланади, масалан: тўғри чизикли, эгри чизикли, ботик, кабарик ва ҳ.к.

Гилдирак протектори югуриш йўлакчасининг сиртий изларида протектор югуриш йўлакчасининг кенгилиги; нақшлар тури ва қадами, унинг рельефи элементларининг геометрик шакли ва ўлчамлари; ейилиб кетган соҳаларининг мавжудлиги, даражаси, шакли ва жойлашган жойлари (локалашиши); тупроқ-илгичларининг (грунто-зацеп) мавжудлиги, шакли, ўлчамлари ва ҳ.к.

*Протектор югуриш йўлакчасининг ҳажмий (ботик) изларида* юқоридагилардан ташқари, протектор элементларининг (нақшлари) баландлигини ҳам (марказида – протектор ўқи бўйлаб ва тупроқ-илгичларга туш соҳаларда) кўрсатилиши керак. Бу шиналар русумини, шунингдек, шиналарнинг ейилиш даражасини аниқлашда ёрдам беради.

*Пойабзал изларида*, изларнинг умумий шакли ва ўлчамларидан

ташқари, тагчарм товон қисмининг орқа кесими ҳамда панжа қисмининг олдинги кесимининг шакли (конфигурацияси); рельефли нақшнинг кўриниши (“ғоз панжаси”, “саватча – корзинка”, “вафли – катакчалар”, “букле – йирик катакли ғадир-будурлик” ва бошқа.); сидирилишлар даражаси ва унинг соҳаларининг жойлашиши (локаллашиши); пойабзал пастки қисмини устки қисмига маҳкамлаш усулининг белгилари; нағалларнинг мавжудлиги ҳамда жойлашиши ва ҳ.к. қайд этилади.

*Кийим ва қўлқоп изларида* материалнинг тури (мато, трикотаж, плёнка); тўқилиш тури; уток ва асос бўйича тўқилиш зичлиги; бириктирувчи ва ажратувчи чоклар чокларининг тури ва жойлашиши; материалнинг қатланадиган жойларининг кенглиги ва конфигурацияси; илмоқлар ва аксессуарлар деталларининг (тугмалар, илгаклар, босма-тугмачалар, боғламалар, тўқалар ва бошқ.) хусусияти ва жойлашиши, кийимни кийишда ҳосил бўладиган белгиларнинг (бурмалар, сидирилишлар, ямоқлар ва бошқ.) мавжудлиги ва жойлашиши кўрсатилади.

*Бузиш қуролларининг динамик изларида* чекланган миқдордаги (8-10 гача) излар мавжуд бўлганда, бу изларнинг идентификация қилиш учун яроқлилигини аниқлаш бўйича масалани ҳал қилиш учун уларни эҳтимолли баҳолашга асосланган методдан фойдаланиш керак. Бу суд экспертига тадқиқотни иложи борича холис ўтказишга ҳамда асосланган ва ишончли хулоса қилишга имкон беради. “Бу услуб, – дея таъкидлайди Н.А.Жукова,–Г.Л.Грановский томонидан таклиф қилинган ва ҳозирда суд экспертиза муассасаларида

муваффақиятли қўлланилмоқда”<sup>1</sup>. Бундай ҳолда, юқоридаги изларни батафсил таърифламаслик мумкин, аммо фойдаланилган манбага ҳавола кўрсатиш керак бўлади.

*Сирпаниш ва кесил изларини* тадқиқотларида қарама-қарши ва фронтал бурчакларнинг катталикларини аниқлаш ва кўрсатиш керак. Агар ушбу масалани ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, эксперт хулосасида буни сабабини кўрсатиб акс эттириш керак.

4. Жуда кўп ҳолатларда суд экспертлари томонидан изларни идентификация учун яроқлилигини асослашда қўлланиладиган қуйидагича мазмундаги матнларни хато деб ҳисоблаш керак: “санаб ўтилган белгилар изни индивидуаллаштиради”. *Биринчидан*, хусусий белгилар из ҳосил қилувчи объект рельефининг (микро-рельеф) тузилиш хусусиятларининг аксидир ва шунинг учун улар изни эмас, балки шу изни қолдирган объектни индивидуаллаштиради. *Иккинчидан*, изнинг идентификация учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосани асослаш учун алоҳида белгиларни эмас, балки фақат уларнинг йиғиндиси (мажмуи) таҳлил қилиниши керак.

5. Объектнинг умумий маънода тавсифловчи белгилар, яъни умумий белгиларни (шакли, ўлчамлари, умумий конфигурацияси) объектни индивидуаллаштирадиган (алоҳидалигини ажратадиган) белгилар йиғиндисига киритиш хато ҳисобланади ва шу боис суд экспертизалари методикасида бу ҳолат мумкин эмас. Эксперт хулосаси матнидаги фикрларни бундай шакллантиришга мисол сифатида қуйидани келтириш мумкин: “аниқланган белгиларнинг йиғиндиси: рельеф аксларининг шакли, ўлчамлари ва акс этиш

---

<sup>1</sup>Жукова Н.А. Трасология и трасологическая экспертиза. Теоретические основы: учебное пособие для явузов / Н.А. Жукова, И.Н. Кислицина. — 2-е изд., испр. и доп. — М., 2019. — С.37.

хусусиятлари ушбу из учун индивидуалдир”. Шу билан бирга, кўпинча изларнинг ўлчамлари (кенглиги ва узунлиги) объектнинг белгиларига мос келади, деб нотўғри фикр қилинади.

**6.** Трасологик идентификация қилиш жараёни объектларнинг белгилари йиғиндисини таққослашни назарда тутаяди. Натижада, у ёки бу изнинг идентификация учун яроқлилиги тўғрисида хулоса қилиш, агар унинг рельефи белгиларининг йиғиндиси қатъий индивидуал деб баҳолансагина мумкин бўлади.

Юқоридаги таъкидларнинг шакллантириш учун иккита ҳолат исботланиши керак:

*1. Из рельефининг (микро-рельеф) белгилари из ҳосил қилувчи объектнинг ташиқи тузилиши хусусиятларининг аксидир ва бошқа сабабларга кўра юзага келмаган.*

Ушбу ҳолатни исботлаш зарурати шундаки, объект рельефининг тузилиши изларда мутлақо аниқ ва тўлиқ акс этиш деярли имконсиздир. Айнан бир хил шароитларда битта объект билан бир неча изларни ҳосил қилиб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу изларда акс этган белгилар йиғиндисининг сифатга оид ва миқдорий фарқларни кузатиш мумкин.

Бунинг сабаблари бир нечта: из қабул қилувчи объект сиртининг бир жинсли тузилиши билан рельефнинг кичик деталларининг бузилиши ёки “ютилиши”, излар ҳосил бўлиш механизмининг ўзига хос хусусиятлари (қарама-қарши ва фронтал бурчакларнинг фарқлари, из моддасининг турли миқдори, таъсир қилувчи кучларнинг турлича хусусиятлари), изли таъсир соҳасига бегона моддаларнинг тушиб қолиши ва ҳ.к.

2. *Объектнинг ташиқи тузилиши ягона тасодифий ҳодиса ва омилларнинг (ёки уларнинг йиғиндиси) таъсири натижасида пайдо бўлган нисбатан мураккаб белгилар йиғиндиси билан индивидуаллаштирилганлиги сабабли, бундай белгиларнинг пайдо бўлиши табиати имкон қадар тўлиқ аниқланиши керак.*

Динамик белгиларга (кесиш, чопиш, тишлаш, ишқаланиш ва бошқ.) нисбатан индивидуаллик, одатда, кесувчи элементларини ишчи сирти (масалан, тиғи) билан “таъминланади”; пойабзал ва протектор шиналарининг статик изларида, асосан объектларнинг эксплуатациясида асфальт ва йўл қопламаси билан таъсирлашиш натижасида пайдо бўлган индивидуал белгилар акс этади.

Изларнинг идентификация учун яроқлилиги тўғрисидаги тадқиқотлар ўтказмасдан ва юқорида келтирилган ҳолатларни акс эттирилмасдан шакллантирилган экспертнинг якуний хулосасини нотўғри ва шу сабабли ҳеч қандай исботлов аҳамитяига эга эмас деб баҳолаш керак.

***Изнинг идентификация учун яроқлилиги тўғрисида якуний хулоса.*** Изнинг идентификация учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосани асослашнинг тахминий баёни (тавсифи) қуйидагича бўлиши мумкин: “*Изнинг юқорида санаб ўтилган хусусиятлари объект рельефи (микро-рельеф) тузилишидаги барқарор элементларнинг акслари бўлиб, улар эксплауация, яъни тасодифий омиллар йиғиндисининг таъсири натижасида ҳосил бўлган. Ушбу йиғиндининг сифатга оид ва миқдорий хусусиятлари изни индивидуал деб баҳолашга ҳамда бу изни ҳосил қилган объектни идентификация қилиш учун яроқли деб ҳисоблашга асос бўлади*”. Бу ҳолда албатта,

“Объект” сўзи (атама) идентификацияланувчи буюмнинг номи билан алмаштирилиши лозим.

Суд экспертлик амалиётида, кўпинча кўриб чиқиладиган якуний хулосани қуйидагича “асослантириш” ҳолати учраб туради: *“...ташқи тузилиши хусусиятлари эксплуатация натижасида ҳосил бўлган бўлиши мумкин ва шу сабабли уларнинг келиб чиқиши тасодифий хусусиятига эга”*. Матнни бу каби шакллантиришда нафақат семантик хатога, балки мантиқ қонунларини бузилишига ҳам йўл қўйилади. Хусусан, “бўлиши мумкин” деган тахминдан суд эксперти “тасодифий хусусиятга эга” деб қатъий ижобий хулоса чиқармоқда. Бу умуман хато ҳисобланади.

Баъзида суд экспертлари изни идентификация учун яроқлилиги тўғрисида хулоса қилиш учун асосни янада ноаниқ шакллантирадиганлар, буларнинг фикрига кўра суд экспертларини хатоларга йўл қўйишдан ҳимоя қилади. Бундай “асослар” қуйидагича бўлиши мумкин: *“...хусусиятлар ишлаб чиқариш, кийин ёки таъмирлаш пайтида ҳосил бўлган бўлиши мумкин ва шунинг учун тасодифий хусусиятга эга”*. Бунда, тадқиқот объекти учун, унинг ташқи тузилиши белгилари ҳосил бўлишининг барча сабабларини бир қаторда санаб, суд эксперти аслида аниқ сабабни аниқлашдан бош тортмоқда.

***Изни идентификация учун яроқсизлиги тўғрисида якуний хулоса*** .Изни идентификация учун яроқсизлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун суд эксперти томонидан алоҳида тадқиқотлар давомида аниқланган қуйидаги ҳолатлар (факт) асос бўлиши мумкин:

объектнинг ташқи тузилиши хусусиятларини акс этишини

инкор этадиган изли таъсирлашиш тури, масалан, ясси текисликдаги динамик (ҳаракатдаги) таъсирлашиш; из моддасининг етарли эмаслиги сабабли белгиларнинг яхши акс этмаганлиги; изнинг объектнинг из ҳосил қилувчи соҳаларига нисбатан чекланган ўлчамлари, масалан, шиналар протекторининг икки ёки учта рельефли элементларининг изи ва бошқ.

Эксперт хулосасида аниқ сабабни (сабабларни) кўрсатиб, суд эксперти изни идентификация учун яроқсизлиги тўғрисида якуний хулосани шакллантиради.

Мураккаб ҳолатларда, суд эксперти ушбу масалани ҳал қилишни, текширилаётган объект ёрдамида олинган экспериментал излар билан тақдим қилинган изларнинг таққослаш тадқиқотларига қадар кейинга қолдиришга ва бу ҳақда эксперт хулосаси матнида кўрсатиб ўтишга ҳақлидир. Масалан, ягона динамик изда индивидуал белгилар тўпламини ажратиш фақат идентификацияланувчи объектнинг ўзини ва унинг экспериментал акс-изларини ўрганишдагина мумкин бўлади.

Пойабзал, ғилдирак шиналари, кийимлар каби объектларнинг сиртий статик изларини тадқиқотларида объектнинг белгилари билан из ҳосил бўлиш механизмига (из моддасининг миқдори ва хусусияти, шина излари ва из қабул қилувчи сиртларнинг ўлчов хусусиятлари ва ҳ.к.) боғлиқ бўлган акс этишдаги нуқсонларни фарқлаш ҳар доим ҳам мумкин бўлмайди.

Изни идентификация учун яроқсизлиги ҳақидаги хулоса, тадқиқотлар тугаганлигини билдирмайди. Кўпгина ҳолларда, суд экспертида келгусида (таққослаш тадқиқотларидан сўнг) из ҳосил

қилувчи объектнинг гуруҳий мансублиги тўғрисида хулоса қилиш учун аниқ имконият мавжуд бўлади. Афсуски, суд экспертлик амалиёти таҳлили кўрсатадики, суд экспертлари ушбу имкониятдан ҳар доим ҳам фойдаланмайдилар.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги каби якуний хулоса, гарчи аниқ бир айниятни аниқлашга олиб келмаса ҳам, қидирилаётган объектлар доирасини сезиларли даражада торайтиради. Бу ҳолатлар суд экспертлари томонидан эътиборга олинishi керак.

Тадқиқот объектини маълум бир гуруҳга мансублиги гуруҳий белгиларни таҳлил қилиш натижаларига кўра амалга оширилганлиги сабабли, бундай ҳолатларда гуруҳий белгиларнинг рақамли (сон) birlikларда ифодаланган ўлчам хусусиятлари муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Гуруҳий белгиларни аниқлаш текширилаётган изларни ҳосил қилиши мумкин бўлган объектлар доирасини максимал даражада торайишига имкон берадиган даражага етказилиши керак. Шунини ёдда тутиш керакки, ўзаро қўшни гуруҳларга кирувчи кўплаб объектларнинг ўлчамлари, гўё бир-бирларини “қоплаб” кетади. Бу ҳолат суд экспертидан ўлчанаётган катталиқ “тушган” ишончлилик оралиғининг максимал аниқлигини аниқлашни талаб қилади.

Бунинг натижасида ўлчаш методларини танлаш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Шу боис ўлчов асбобларида, қуйидаги формула билан аниқланадиган ишончлилик эҳтимоллиги (А) 0,95–0,98 дан кам бўлмаслигини таъминлайдиган ўлчов бўлинмаси бўлиши керак:

$$A = \frac{M}{\dots}$$



$$\overline{X_{\max}}$$

буерда:  $M$  – ўлчов асбобининг бўлинма қиймати (шкала);

$X_{\max}$  – ўлчанаётган катталиқнинг энг катта (максимал) қиймати.

Ўлчанган катталиқнинг мутлақ қиймати номаълум бўлишига қарамай, ўлчов натижалари, келгусида яқуний хулосаларни шакллантиришда аниқ қиймат сифатида қабул қилинадиган баъзи бир қийматларини олишга имкон беради. Шундай қилиб, ўлчов натижаларини математик қайта ишлашдан сўнг, ўртасида из қолдирган объектнинг тадқиқ қилинаётган ўлчов хусусиятларининг ҳақиқий қиймати жойлашган чегара қийматлари олинади,

Таъкидлаш жоизки, суд экспертлик амалиётида суд экспертлари кўпинча оддий ўлчашлар билан чекланиб, математик қайта ишлаш методларини эътиборсиз қолдирадилар.

Бунинг сабабларидан бири, бундай математик методнинг мураккаблиги ҳақида фикрларнинг кенг тарқалганлигидир. Бироқ, бу энг оддий калкулятор ёрдамида минимал вақт ичида амалга оширилиши мумкин метод ҳисобланади ҳамда барча математик қайта ишлаш жараёнларини содда ва чекланган соф техник ҳаракатлар тўпламига олиб келади.

Калькулятор йўқ бўлганда эса ҳисоблаш учун турли хил сонларнинг қарра жадваллари ва квадрат илдизлари жадвалларидан фойдаланиш мумкин.

## ***2. ИЗ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ОБЕКТЛАРНИНГ АЛОҲИДА ТАДҚИҚОТЛАРИ.***

Идентификация қилиниши зарур объектларнинг алоҳида тадқиқотлари босқичида суд эксперти қуйидаги иккита саволни ҳал

қилиши керак:

**1. Тадқиқот объекти томонидан бундай изларни (уларнинг тури ва изли таъсирлашиш хусусиятларидан келиб чиқиб) ҳосил бўлиши амалда мумкинлиги.**

Ушбу саволга ижобий жавоб бериш учун ушбу объектнинг тахмин қилинаётган из ҳосил қилувчи соҳасини (элементини) ажратиш керак. Бошқача айтганда, тахмин қилинаётган из ҳосил қилувчи объектнинг ҳаракат тамойили ва механизмининг излар турига мос келиши текширилади. Суд экспертнинг ушбу масала бўйича ижобий хулосасини асослаш эксперт хулосаси матнида объектнинг умумий белгилари, ҳаракат тамойили (агар керак бўлса), мақсади ва ҳ.к. таърифлаш билан таъминланади.

Тадқиқот объектини таърифлашда, бу объект ҳақида тўлиқ тасавур ҳосил қиладиган маълум бир кетма-кетликка риоя қилиш керак. Объектларнинг турли гуруҳларида қуйидаги белгилар албатта таърифланиши керак:

– *бузиш қуроллари ва воситаларида*: умуман номи, тузилиши ва таркибий қисмлари ёки элементлари (қисмлар), уларнинг ўзаро бирикиш тури ва табиати (кўчма ёки кўчмас), максимал ўлчамлари, материали, қопламанинг табиати ва ундаги бегона зарраларнинг мавжудлиги, маркировка ва ёзувларнинг мавжудлиги ва мазмуни;

– *автотранспорт воситалари гилдирак шиналарида*: русуми, рельефи нақшининг тури ва унинг қадами, тупоқ-илгич (грунтозацеп) мавжудлиги, югуриш йўлаги кенглиги, ейилиш даражаси ва унинг соҳаларининг жойлашиши (локаллашиши), нақшнинг хусусиятлари (элементлар қаторлари сони), уларнинг геометрик

шакли ва ўлчамлари, турли соҳалардаги рельеф баландлиги;

– *кийим предметлари (элемент) ва қўлқопларда*: номи, жинсга ва ёшга оид тааллуқлилиги, максимал ўлчамлари, бегона моддаларнинг мавжудлиги, материал тури ва унинг хусусиятлари (асос ва уток бўйича тўқиш ва тўқишнинг зичлиги, бир бирлик узунликдаги илмоқлар сони), эскириш ва таъмирлаш даражаси ва белгилари;

– *пойафзалда*: номи, жинсга ва ёшга оид тааллуқлилиги, маркировка ва ёзувларнинг мавжудлиги (фирма, русум, ўлчам), умумий ва алоҳида қисмларининг ўлчамлари, материали, устк ва таг қисмларининг бириктирувчи элементларнинг мавжудлиги ва хусусиятлари, тагчарм нақшининг тури, таъмирлаш элементлари (нағал ва бошқалар) мавжудлиги ва белгилари, ейилиш даражаси ва соҳаларининг жойлашиши (локаллашиши).

Шундан сўнг, объект тузилишида (ёки уларнинг юзасида) унинг хусусиятларига (ўлчамлари, конфигурацияси) ўрганилаётган изнинг ўхшаш умумий хусусиятларига мос келадиган қисм (элемент, деталл) мавжудлиги аниқланади.

**2. Ажратилган соҳанинг индивидуаллигини ва бинобарин, тадқиқот объектини индивидуаллаштирадиган рельеф элементларининг деталлаштириш (ажратиш) даражасини аниқлаш.**

Бундай ҳолда, суд эксперти иккита ҳолатдан келиб чиқиши керак.

*Биринчидан*, суд эксперти томонидан тадқиқотларда етарли даражада аниқлаган тўхташ керак. Акс ҳолда, суд экспертида келгуси

таққослаш тадқиқотлар давомида белгиларни ҳақиқий ва оқилона баҳолаш учун асос бўлмайди.

*Иккинчидан, суд эксперти “ишлабчиқариш”, “таъмирлаш”, “эксплуатация” каби энг умумий сабабларни таъкидлаш билан чекланиб қолмасдан, балки бу белгиларни ва уларнинг конфигурациясининг ҳосил бўлишини ифодалайдиган ҳолат ва ҳодисаларни максимал даражада аниқлаштириб, рельефнинг бу элементлари (деталлар) табиатини, уларнинг келиб чиқишини аниқлаши лозим.*

Из ташувчи объект билан бевосита таъсирлашган из ҳосил қилувчи объект элементини тўлиқ таърифлаш учун алоҳида эътибор ва батафсиллик талаб этилади. Аниқланган из ҳосил қилувчи соҳанинг тавсифлашнинг тўлиқлик даражаси унинг микрорельефининг деталлаштириш даражасига боғлиқ бўлади.

Из ҳосил қилувчи объектни алоҳида тадқиқотлари натижалари бўйича якуний хулоса тахминан қуйидаги шаклда баён қилиниши мумкин: *“Болта тизги рельеф тuzилишининг аниқланган хусусиятлари (парманинг кесувчи қирралари, омбир тишлари ва ҳ.к.) унинг ишлатиши (чархлаш) жараёнида ҳосил бўлган. Уларнинг шакли (конфигурация), ўлчамлари, жойлашуви ва ўзаро жойлашиши тасодифий омиллар йиғиндисининг таъсири ҳисобланади ҳамда уларнинг йиғиндисини индивидуал сифатда баҳолашга имкон беради”.*

#### **4–§. ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИ**

Идентификацион трасологик экспертизасида эксперт

экспериментини ўтказишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

– излар ҳосил бўлиш механизмини аниқлаштириш (шу жумладан, бевосита из ҳосил қилувчи объектнинг таъсирлашиш соҳасини аниқлаш, из ҳосил бўлиши вақтидаги объектларнинг ўзаро ҳолатини аниқлаш, из ҳосил қилувчи кучнинг катталигини аниқлаш);

– объектларнинг алоҳида тадқиқотларида аниқланган рельеф (микрорельеф) хусусиятлари акс этишининг барқарорлигини текшириш;

– таққослаш тадқиқотлари учун ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган намуналар олиш.

Дастлабки иккимақсадга алоҳида тадқиқотлар жараёнида ўтказиладиган экспериментнинг биринчи босқичини бир неча марта такроран ўтказиш ёрдамида эришилади. Экспериментал намуналарни олиш эса таққослаш тадқиқотлари билан битта жараёнда, бу тадқиқот доирасида амалга оширилади.

Мавжуд методика ва эксперт хулосасини тузиш амалиёти бу жараёнларни алоҳида тадқиқотлар ва таққослаш тадқиқотлари орасидаги, алоҳида мустақил босқич сифатида баён этишни назарда тутди.

Бу каби ёндашув тадқиқот жараёнидаги суд экспертнинг ҳаракатларини (фаолияти) таърифлашнинг яхлитлиги, кетма-кетлиги ва мантиқийлигини сақлаб қолишга имкон беради, шунингдек, кўрилаётган ҳодисанинг (иш) дастлабки тергов ва судда кўриб чиқиш пайтида эксперт хулосасини тўғри тушунилишига ва баҳоланишига катта ёрдам беради.

Юқоридаларга асосланиб, эксперт экспериментини таърифлашда қуйидагиларга риоя қилиш тавсия этилади:

– таърифлашни экспериментни ўтказиш мақсадларини санашдан бошлаш; экспериментал излар олинган материални кўрсатилган ҳолда, экспериментни ўтказиш тартиби; из ҳосил қилувчи объектнинг излар ҳосил қилишда иштирок этган соҳаси; изларни ҳосил бўлиши жараёнидаги суд эксперти томонидан ўзгартириладиган омиллар (қарши ва фронтал бурчаклар, босим кучи, айланиш тезлиги, из моддасининг миқдори ва тури ва ҳ.к.); объектнинг ташқи тузилиши белгиларини барқарор акс этиши ҳақидаги хулосани асослаш учун зарур шарт сифатида олинган экспериментал изларнинг сони кабиларни батафсил тавсифлаш;

– кесиш ва силжишнинг экспериментал изларини олишда, қарма-қарши ва фронтал бурчакларнинг ўзгариши оралиғини кўрсатиш ва бу ҳолатни тушунтириш. Алоҳида тадқиқотлар жараёнида бу бурчаклар қийматини аниқлашнинг иложи бўлмаган тақдирда айниқса зарур бўлади;

– олинган изларнинг, идентификацияланувчи объектнинг уларда акс этган белгиларининг тўлиқлиги, аниқлиги ва акс этиш барқарорлигини баҳолаган ҳолдаги таҳлилларини баён қилиш;

– изларнинг таққослаш тадқиқотларида намуна сифатида фойдаланиш имконияти тўғрисида хулоса чиқариш;

– агар экспериментал излар изларни ҳосил қилиш механизмлари бўйича сезиларли фарқ билан олинган бўлса (қарма-қарши ва фронтал бурчакларнинг катталиклари; из моддасининг тури, тақриби ва миқдори; из қабул қилувчи объект материалининг

тури ва ҳ.к.), таққослаш тадқиқотларида ҳар бир гуруҳдан камида биттадан издан фойдаланиш керак;

– юқоридаги каби излардан бирини таққослаш тадқиқоти учун танлаш қўпол методик хато ҳисобланади. Бундай ёндашув, кесиш ва ишқаланиш изларини тадқиқотларида айниқса мумкин эмас.

Эксперт хулосаси матнида юқоридагиларнинг мавжуд бўлиши суд экспертининг малакасига ва унинг хулосаларининг холислиги ҳамда ишончилигига шубҳа туғдиради.

## 5–§. ТАҚҚОСЛАШ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Таққослаш тадқиқотлари босқичининг асосий мазмуни – из ва тадқиқот объектларини ўзаро ўхшашлиги ёки фарқланишини аниқлаш мақсадида, уларнинг алоҳида тадқиқотлар жараёнида аниқланган белгиларини солиштиришдан иборат.

**Унутманг:**бу босқич фақат аниқланган ҳолаталарни (факт) тасдиқлашга қаратилган. Ушбу босқичда ҳолат ёки из ёки бўлмаса белгиларни ҳар қандай таҳлили ўтказилмаслиги мумкин.

Таққослаш тадқиқотлари жараёнларини таърифлаш уни ўтказиш услубини (техникасини) баён этишдан бошланади: таққослаш усулсари – оддий солиштириш, ёнма-ён тушириш, устма-уст тушириш; техник воситалар ва шароитлар: микроскопнинг тури, таққосланаётган объектларнинг (излар) катталаштириш даражаси, ёритилиш йўналиши ва бурчаклари.

Таққослаш тадқиқотлари шартларининг тахминий баён қилиш қуйидагича бўлиши мумкин: “... дан олинган сим парчасидаги кесиш

*изларини ... дан олинган омбир ёрдамида олинган экспериментал кесии излари билан оддий визуал солиштириши усули (4 марта катталаштирувчи лупа) ва оптик ёнма-ён тушириши усули (МСК-10, катталаштириши – 16 маротаба) билан, объектлар сиртига 40°С бурчак остида йўналтирилган қия тушувчи нурларда ўтказилган таққослаш тадқиқотларида, қуйидагилар аниқланди: ...”.*

Тадқиқотлар жараёнларини баён қилишга бундай ёндашув суд эксперти томонидан тадқиқот воситалари ва методларини тўғри танланганлиги ва оқилона эканлигини, объектларнинг рельефи (микрорельефи) деталланиш даражасини тўғрилигини баҳолашга имкон беради. Бундан кейин эса, умумий белгиларини санаб ўтган ҳолда изларни (ўрганилаётган ва экспериментал) таққолаш тадқиқотлари натижаларини оддий шаклда баён қилиш керак. Изларнинг шакли ва катталиги каби умумий белгиларини юқорида таъкидлаган рўйхатга киритиш, агар суд экспертида бу белгилар объектларнинг тегишли аниқ хусусиятларини акс эттиришига тўлиқ ишонч бўлгандагина, мумкин.

Бузиш қуролларининг *динамик изларида* изларнинг умумий белгилари сифатида излар рельефининг умумий хусусиятлари майдонга чиқади: кўндаланг кесимининг шакли-конфигурацияси (ясси, ботик, қабарик), текширилаётган ва экспериментал изларнинг зичлиги, из майдони бўйлаб майда чизикларнинг (трасса) тақсимланиши, изнинг муайян бир соҳасида майда чизикларнинг йиғилишининг мавжудлиги ва уларнинг ифодаланганлиги ва ҳ.к. Динамик изларнинг тадқиқотларида изларнинг шакли ва ҳажмини таққосламаслик керак, чунки улар ҳар доим ҳам объектларнинг



ҳақиқий ўлчов хусусиятларини акс эттирмайди, аксарият ҳолларда из ҳосил бўлиш механизмига боғлиқ бўлади.

Оёқ кийимлари ва ғилдирак шиналарининг *статик сиртий белгиларида* умумий хусусиятлар бўлиб рельеф нақшининг тури ва табиати, нақш элементларининг ўлчамлари ва геометрик шакли, ейилиш (эскириш) даражаси ва ҳ.к. ҳисобланади.

Агар суд эксперти умумий белгиларнинг аксларида фарқларнинг сабабини аниқлаган ва уларни муҳим деб баҳолаган бўлса, экспертиза тадқиқотининг кейинги босқичи – таққослаш тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш босқичига ўтади.

Акс ҳолда, яъни умумий белгиларнинг акслари бир-бирига тўғри келган бўлса, суд эксперти хусусий белгилар аксларини таққослаши ва бу таққослаш натижаларини ҳам оддий шаклда баён этиши керак. Хусусий белгилар сифатида тадқиқот объектининг изланаётган ва экспериментал излардаги рельеф тузилиши хусусиятларининг алоҳида аксларидан эмас, балки алоҳида тадқиқотлар жараёнида аниқланган йиғиндисидан фойдаланиш керак.

Таққослаш хусусий белгиларнинг куйидаги хусусиятлари бўйича амалга оширилади: шакли, уларнинг умумий ва алоҳида қисмларнинг (элементларнинг) конфигурацияси; чизикли ва бурчакли ўлчам хусусиятлари; изда белгиларнинг жойлашиши; белгиларнинг ўзаро жойлашиши.

Динамик изларда асосий эътибор изларнинг (эгатча ва пуштачалар, қабарик ва ботик соҳалар) кенглиги, улар орасидаги масофа ва кўндаланг кесими хусусиятлари (шакли, конфигурацияси)

бўйича ўзаро мос тушишига қаратилади.

Статик изларда, объектларнинг ҳақиқий чегараларини ифодаловчи қирраларга нисбатан белгиларнинг излар текислигида жойлашиши ҳақида сўз юритилади.

Таққослаш тадқиқотларида аниқланган, ўзаро мос келадиган белгилар билан бир қаторда, излар ва белгилар орасидаги фарқларни ҳам таърифлаш жуда муҳимдир. Суд экспертлик амалиётида, афсуски, суд экспертлари кўпинча қуйидаги сўзлар билан чекланиб қолишади: “Ҳеч қандай фарқлар (фарқларга хос белгилар) аниқланмади”.

Бундай таъкидни на шакл ва на моҳиятан мантиқий деб ҳисоблаш мумкин эмас. *Биринчидан*, барча моддий объектлар ўз ташқи тузилишига кўра индивидуал бўлганлиги сабабли, экспериментал излар ҳар доим ўрганилаётган объектлардан фарқ қилади. *Иккинчидан*, суд эксперти томонидан эксперимент жараёнида олинган излар орасидан битта экспериментал изни (энг аниқ) танлашини ўзиёқ, улар орасида фарқ мавжудлигини англатади.

Шундай қилиб, суд эксперти фарқларнинг йўқлигини таъкидлаб, материалистик диалектиканинг асосий қоидаларига ҳам, ўзининг илгари айтган хулосаларига ҳам зид ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам, суд экспертнинг бу қарори (хулосаси, ибораси), ижобий маънода тадқиқотга бепарво ёндашувни, салбий маънода эса – унинг етарли бўлмаган касбий маҳоратидан далолат беради.

Ўзаро фарқланувчи белгиларни тавсифлашда уларни “аҳамиятсиз” деб таърифлаш керак эмас, чунки бундай хулоса (баён) бу белгиларни таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳисобланади, аҳамиятсиз

белгилар эса таҳлил қилинмайди. Шу сабабли, бундай ҳолатда эксперт хулосаси матнида “алоҳида белгиларнинг аксларида баъзи бир фарқлар аниқланди” иборасини ишлатиш тавсия этилади ва кейин уларнинг рўйхатини қайд этиш лозим. Бу рўйхат умумий белгилардан бошланади ва хусусий белгиларни санаб ўтиш билан якунланади.

## **6–§. ТАҚҚОСЛАШ ТАДҚИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ (ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ) ВА ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Объектларнинг хусусиятлари тадқиқотларнинг асосини ташкил этади. Уларни тўғридан-тўғри идрок этиш мумкин ва одатда ҳаммага маълум бўлади. Белгиларнинг ўзи, суд эксперти томонидан ўрганилишидан ва баҳоланишидан олдин, амалий ёки далилий аҳамиятга эга бўлмайди.

Хулосавий билимлар асосини суд эксперти томонидан ўзининг махсус билимлари асосида олиб борган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ташкил этади. Бошқача айтганда, суд эксперти махсус билимлардан фойдаланган ҳолда, ўзи томонидан аниқланган маълумотлар ва ушбу босқичнинг асосий вазифаси бўлган якуний тезис ўртасидаги боғлиқликни исботлаши шарт.

Юқорида таъкидланганлар кўрилаётган босқичнинг мазмуни ва кетма-кетлигини экспертнинг хулосаси матнида баён қилишга батафсил текширилган ҳолда, синчковлик билан ёндашишни талаб қилади. Таққослаш тадқиқотларининг натижаларини таҳлил қилиш ўзаро мос келувчи ёки фарқланувчи белгиларни оддий баён қилиш

билан амалга оширилмаслиги керак.

Таққослаш тадқиқотни ўтказишда суд эксперт, одатда, ўзаро ўхшаш бўлган ёки фарқланувчи белгиларни аниқлайди. Таққослаш тадқиқотлари натижаларини баҳолашда айнан қайси белгиларни – ўзаро ўхшаш ёки фарқланувчи белгиларни таърифлаб ёзиш биринчи бажарилиши керак деган масала бўйича суд экспертлик амалиётида аниқ фикрлар йўқ.

Шу билан бирга, исботлаш жараёни, ҳақиқатни англаш жараёнларининг мантиғи ҳар доим бир хилдир ҳамда бу мантиқий қоидалар, уларни қўллаш соҳаси ва кўламига боғлиқ бўлмаслиги керак (ва боғлиқ ҳам эмас).

Билиш ва амалий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида, у хоҳ янги физикавий қонунни кашф этиш, хоҳ дастлабки тергов, суд муҳокамаси ёки экспертиза тадқиқотлари бўлсин, яқиний ишонччи (ҳукм, ажрим, эксперт хулосаси) шакллантириш – фақат барча аниқланган ҳолатлар ва уларнинг алоқалари (боғлиқлиги) аниқланганда, улар орасидаги барча шубҳалар ва тахминлар бартараф қилинганда ва изоҳланганда, уларга холис, принципиал ва ишончли баҳо берилгандагина – мумкин бўлади. Бундай услубий ёндашувнинг тасдиғини етакчи криминалист-олимларнинг асарларида кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгилар таҳлилин таърифлашда (баён қилиш) қуйидаги тартибга риоя қилиш керак:

– қайий ижобий хулосани асослаш ўзаро фарқланувчи

---

<sup>1</sup>ЖуковаН.А.Трасологияитрасологическаяэкспертиза.Теоретическиеосновы:учебноепособиедля явузов/Н.А.Жукова,И.Н.Кислицина. — 2-е изд., испр. и доп. — М., 2019; КалякинА.В. Описание объектов трасологической экспертизы и образцы заключения эксперта: учебное пособие / А. В. Калякин [и др.].– Саратов, 2000.

белгиларини баҳолаш ва таҳлил қилишдан, қатъий салбий хулосани асослаш эса аксинча, ўзаро мос келувчи белгиларни баҳолаш ватаҳлил қилишдан бошланиши керак.

Хулоса матни тузиладиган вақтга келиб, суд экспертида муайян хулоса бўлгани сабабли, якуний хулосаларни асослаш жараёнини аниқ ва изчил (белгиланган кетма-кетликда) баён қилиш имкониятига эга бўлади.

Белгилардаги ўзаро фарқланувчи хусусиятларнинг аҳамиятини ва уларнинг якуний хулосага таъсирини баҳолашда аниқловчи ва устувор жиҳат– бу фарқларнинг текширилаётган ва экспериментал изларда ҳосил бўлиши сабаблари ҳисобланади.

Бундай сабаблар бўлиб, из ҳосил бўлгандан объектни эксплуатация қилиш жараёнида юз берган ўзгаришлар, из ҳосил бўлиш механизмининг шароитлари ва хусусиятлари, изларнинг паст сифатли нусхалари ва моделлари, тасодифий сабаблар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. **Масалан**, изда объектнинг бир қатор белгиларининг акс этмаганлигини, агар суд эксперти унинг сабабини – объектнинг из ҳосил қилувчи соҳасидаги из моддаси тақсимланишини етарли эмаслиги ва нотекислигини аниқлаган ҳолатда, аҳамиятли фарқ сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Ҳатто энг муҳим умумий белгиларнинг фарқлари ҳар доим ҳам муҳим деб баҳоланиши мумкин эмас. **Масалан**, катта ҳажмдаги пойабзал изи ёки ғилдирак шиналари излари ҳосил бўлгандан кейин юмшоқ тупроқларнинг (лой) эзилиши (қуриши) туфайли изнинг ўлчамлари 5-7% гача ўзгариши мумкин. Белгиларнинг ўзаро фарқлари аҳамиятини, уларнинг тўлиқ ва пухта таҳлил қилиш

асосида баҳолаш суд экспертига айният тўғрисида қатъий салбий хулоса қилиш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Суд экспертлик амалиётини таҳлил қилиш кўрсатадики, салбий хулосани асослашда суд экспертлари кўпинча тахминан қуйидаги таркибдаги иборалар билан чекланиб қоладилар: “*Ўзаро фарқланувчи умумий ва хусусий белгилар ... тўғрисида қатъиян салбий хулоса қилишга имкон беради*”. Суд эксперти фикрларини (хулосаси) бундай “асослаш” нотўғри ҳисобланади.

Қатъий шаклдаги хулосаларнинг аҳамияти, улар ўзлари аниқлаган ҳолатга (айният мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги) боғлиқ эмаслиги унутмаслик керак, шунинг учун салбий хулосанинг асослилиги ҳам ижобий хулосани асослаш каби ҳар томонлама ва холисона тадқиқотларга таяниши керак.

Кўпинча ўзаро мос келувчи белгиларнинг йўқлиги билан асосланган идентификация тўғрисидаги салбий хулосаларни кузатиш мумкин. Бу каби хулосалар шундай шакллантирилади: “*Белгиларнинг ўзаро москелиши (ўхшашлиги) аниқланмади, бу эса қатъий салбий хулоса қилишга асос бўлади*”. Бундай таърифларда (баён) мантиқнинг зарурият ва етарлилиқ каби катеогориялари аралашиб кетади.

Ўзаро ўхшашликларнинг мавжуд эмаслиги ижобий хулосани шакллантиришга имкон бермайди, аммо айти пайтда салбий хулосани шакллантириш учун етарли эмас.

Қатъий салбий хулосани шакллантириш кўпинча гуруҳий аҳамиятига эга бўлган бир қатор белгилар бир-бирига тўғри келганда ҳам мумкин бўлади. бундай белгилар сирасига, масалан, поайбзал тагчарми ёки шиналар югуриш йўлакчасининг нақшлари

рельефининг тури ва хусусиятлари, кийим ипларининг тўқилиш тури ва зичлиги, болға уриш қисмининг ўлчами ва шакли ва ҳ.к.

*Қуйидаги муҳим фарқлар қатъий салбий хулоса учун асос бўлиб ҳисобланади:*

**а) объект (из) ташқи тузилишнинг гуруҳий аҳамиятга эга бўлган умумий белгилари ўзаро мос келмаган.** Бундай ҳолларда, қатъий салбий хулосани шакллантириш тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: *“Тадқиқот натижасида аниқланган рельефли нақшлари аксларининг тури ва намунаси, унинг элементларининг шакли ва ўлчамларини из ҳосил бўлиш механизмларнинг шартлоитлари (нусха кўчириш, моделлаш) билан изоҳлаб бўлмайди. Улар турли гуруҳларга мансуб объектларни тавсифлайди. Шунинг учун улар аҳамиятли ҳамда қатъий салбий хулоса чиқариш учун етарли асос бўлади”.*

**б) умумий белгилар мос келган, бироқ хусусий белгилар ўзаро мос келмаган.** Бундай ҳолларда суд эксперти ўзаро мос келувчи умумий белгилар гуруҳий хусусиятга эгаллигини, яни улар ушбу гуруҳ доирасига киритилган объектларга хосдир ва шу сабабли, улар ўзаро ўхшаш бўлса ҳам, қатъий ижобий хулоса чиқаришга асос бўла олмаслигини кўрсатиши керак. Шундан сўнг, ўзаро фарқланувчи хусусий белгиларга баҳо берилади. Суд экспертлик амалиёти кўрсатадики, бундай баҳоланишнинг ифода қилиниши ҳар доим ҳам етарли деб тан олинishi мумкин эмас. Бу ҳолатда энг кўп учрайдиган хатолик бўлиб, хулосани асослаш учун ўзаро фарқланувчи белгилар йиғиндисининг барқарорлиги олинishiдадир, ҳолбуки, барқарорлик хусусиятини эса ягона (битта) издан объектив

равишда аниқлаб бўлмайди. Шу билан бирга, бундай ҳолатларда ягона муҳим бўлган ва салбий хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ўзаро фарқланувчи белгилар йиғиндисининг хусусиятлари эътибордан қолиб кетмоқда.

Юқоридаги каби ҳолатлар учун қатъий салбий хулосани таърифлаш тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

*“Ўзаро мос келадиган белгилар гуруҳий хусусиятга эга ва кўплаб турдош объектлар учун хосдир ва шунинг учун уларнинг ўзаро ўхшашлиги ижобий хулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Ўзаро фарқланувчи белгилар эса объектларнинг ташқи тузилиш хусусиятларини акс эттиради ҳамда турли хил объектларга тегишли бўлган иккита мустақил индивидуал йиғиндиларни ҳосил қилади, булар эса қатъий салбий хулосани шакллантириш учун етарли асос бўла олади”.*

Таъкидлаш жоизки, қатъий салбий хулосани шакллантириш имконияти из ҳосил бўлиш механизми ва из ҳосил қилувчи объектнинг хусусиятлари билан ҳам белгиланади. **Масалан**, динамик кесиш изларида асбоб тиғининг умумий хусусиятлари деярли акс этмайди, яъни бундай излар орасидаги фарқлар кўпинча фақат микорельеф даражасида аниқланади. Бу ҳолат суд экспертнинг ушбу фарқларнинг аҳамиятли эканлиги, аниқланган фарқлар текширилаётган ва экспериментал изларнинг ҳосил бўлиш механизмлари турличалигига боғлиқ ҳолда юзага келганлиги бўйича ишончи шаклланишини сезиларли даражада қийинлаштиради. Ва аксинча, пойабзал, шиналар, кийимларнинг статик изларида умумий белгилар (нақшлар тури, рельефнинг хусусиятлари, ўлчамлари)



тўлиқ ва яққол акс этади. Бундай фарқлар деярли ҳар доим суд экспертларига қатъиян салбий хулоса чиқаришга имкон беради.

Ўзаро фарқланувчи белгиларни таърифлаш, уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини тушунтириш, уларни таҳлил қилиш ва аҳамиятсиз белги сифатида баҳолашдан сўнг амалга ошириладиган қатъий ижобий хулосани асослаш албатта, ўзаро ўхшаш (мос келадиган) белгилар йиғиндисини баҳолашни ўз ичига олиши керак.

Қатъий салбий хулосани таърифлаш тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

*“Айрим белгиларнинг (бу каби белгиларни санаб ўтиш керак) баъзи ўлчам хусусиятлари ва шакли бўйича аниқланган фарқлари – текшириладиган изларнинг ҳосил бўлиш механизмларини экспериментал изларни олишда тўлиқ ҳосил қилиб бўлмаслик (имкони йўқлиги) билан изоҳланади ҳамда шу сабабли келгуси кейинги хулосаларнинг шакллантиришга таъсир қилмайди. Ўзаро мос келувчи умумий ва хусусий белгилар из ҳосил қилувчи объектнинг индивидуал тузилишини акс эттирувчи йиғиндни ташкил этади”.*

Тадқиқотларда белгилар йиғиндисини баҳолашнинг унутмаслик даркор. **Масалан**, қуйидаги каби иборалар тўғри эмас: “Ўзаро мос келувчи белгилар ўзининг йиғиндисини бўйича индивидуал”. Таъкидаш жоизки, белгилар, уларнинг таркибий қисмларининг ўзи эмас, балки белгилар йиғиндисининг индивидуаллиги баҳолашнинг керак. Бир қарашда, хулоса матнида бу каби иборалардан фойдаланиш унчалик аҳамиятга эга эмасдек ёки жуда катта хато эмасдек бўлиб туюлади. Бироқ, муаммо қуйидагича: трасологик экспертизанинг ўзига хос хусусиятларидан бири (хатшунослик ёки дактилоскопик

экспертизадан фарқли) шундаки, бу турдаги тадқиқотларда алоҳида олинган белгининг идентификацион аҳамиятини баҳолаш амалда деярли мумкин эмас.

Бунинг сабаби, ҳеч бўлмаганда белгининг учраб туриш частотасини аниқлашнинг иложи йўқлигидадир. Бу ҳолаттрасологик объектларнингкўплиги ва уларнинг ташқитузилишинингфавқулодда хилма-хиллиги, таъсирини аниқлаб бўлмайдиган ёки прогноз қилишнинг имкони бўлмайдиган жуда кўп омиллар билан изоҳланадиган ҳар бир изли таъсирлашишда из ҳосил бўлиши механизмларининг турличалиги билан тушунтирилади. Бунинг натижасида, айният мавжудлиги тўғрисидаги қатъий ижойий хулосани услубий жиҳатдан тўғри асослашнинг ягона усули – бу бутун белгилар мажмуини алоҳида (индивидуал) сифатида баҳолашдир. Бундан ташқари, белгиларнинг сифатга оид ва миқдорий хусусиятлари баҳоланиши керак.

Эҳтимол шаклдаги хулоса, бошқа шаклдаги хулосалар каби, ишончли идентификацион белгиларнинг тадқиқотлари ва баҳолашга асосланган бўлиши керак.

Давлат суд экспертиза муассасалари иш фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда (**Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сонли қарори ёки адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда 2017 йил 7 июлдаги 174-мҳ-сон буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”**)

эҳтимолий хулосанинг мумкин бўлган шакллари ва уларни баён қилиш тартиби ёритилмаган. Чунки, ҳар бир турдаги суд экспертизаларини ўтказиш ва якуний хулосаларни шакллантиришда эҳтимол хулосаларни шакллантиришнинг ўзига хос методикаси мавжуд бўлади. Шу боисдан, эҳтимол шаклдаги ижобий хулоса суд эксперти томонидан фақат айниятнинг етарлича юқори даражаси аниқланган ҳолларда шакллантирилиши керак. Бинобарин, салбий эҳтимол хулоса – айният йўқлиги бўйича етарли асослар бўлганда чиқарилади.

Ўзаро қарма-қарши ҳолатлар (ҳодиса) эҳтимоли (айниятнинг мавжудлиги ва йўқлиги) орасида кичик (аҳамиятсиз) фарқ мавжуд бўлганда эса суд эксперти ягона тўғри хулоса – қўйилган саволни моҳиятан ҳал қилиш мумкин эмаслиги бўйича хулоса қилиши керак.

Трасологик экспертизаларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида, эҳтимол шаклдаги хулосаларнинг ҳақиқатга яқинлашиш даражасига кўра (ҳақиқат билан чегарадош ва ҳақиқатлигининг юқори эҳтимоллик даражаси билан) мутлоқ аниқлигига афсуски, эришиб бўлмайди. Чунки, бу каби тадқиқотларда белгиларнинг идентификацион аҳамиятини миқдорий (математик) методлар ёрдамида ишончли баҳолашнинг имкони йўқ, бинобарин, бу турдаги экспертизаларда белилар аҳамиятни баҳолашнинг сифатга оид ва тавсифловчи методлари кўпроқ қўлланилади. Бу ҳолда, бузиш қуролларининг динамик изларини тадқиқотларидагина, излар белгиларининг йиғиндиси миқдорий методларни қўллаб эҳтимол шаклда баҳоланиши мумкин<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Калякин А.В. Описание объектов трасологической экспертизы и образцы заключения

Суд экспертлик амалиётини таҳлиллари кўрсатадики, суд экспертлари кўпинча аниқ бир объектнинг айнанлиги тўғрисидаги эҳтимо хулоса билан тадқиқ қилинаётган ва қидирилаётган объектларнинг гуруҳий мансублиги тўғрисидаги хулосалар ўртасидаги аниқ фарқни сезмайдилар. Айни пайтда, бундай хулосаларнинг далилий аҳамияти ва уларнинг тергов ва оператив тусмолларнинг илгари суришга таъсири сезиларли даражада фарқ қилади.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳам, изларда гуруҳий аҳамиятга эга бўлган белгилар акс этганда айният бўйича эҳтимол хулосани шакллантириш ҳолатлари учраб туради. Бундай мантиқий хатога мисол қилиб, тадқиқ қилинаётган шикастланишларда тадқиқотга тақдим қилинган пичоқ тиғининг хусусий белгилари акслари мавжуд эмаслигини таъкидлаган ҳолда, кийидаги шикастланишнинг аниқ бир пичоқдан ҳосил бўлганлиги тўғрисидаги эҳтимол хулосаларни келтириш мумкин.

**Масалан**, матодаги очик шикастланишнинг тадқиқотларида суд эксперти қуйидаги хулосага келади: *“Шикастланиш, эҳтимол тадқиқотга тақдим қилинган пичоқ тиғи билан ёки шу каби, ўтқир тиғ дами ва ўтмас қарама-қарши қисмга (муҳра) эга бўлган бошқа буюмдан томонидан етказилган бўлиши мумкин”*. Хулосадаги махсус атамаларга алоҳида эътибор бермасдан, уни моҳиятини таҳлил қилайлик. Бунда, суд эксперти томонидан қўлланилган *“эҳтимол, бўлиши мумкин”* тушунчасидан фойдаланишининг

---

эксперта: учебное пособие / А. В. Калякин [и др.] – Саратов, 2000; Калякин А.В. Образцы заключений трасологической экспертизы: учебное пособие / А.В.Калякин, Р.Е.Демин, А.А.Киселев. – Саратов, 2004.

аҳамиятини ва тўғрилигини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Агар “эҳтимол” атамаси фақат тадқиқ қилинаётган пичоқнинг ўзига тааллуқли деб ҳисобланса, унда бу пичоқнинг тиғига хос бўлган ва шикастланишда акс этмаган ҳеч бўлмаса камида битта белгининг мавжуд эмаслиги ҳолатида чиқарилган эҳтимол хулосани тан олишкерак бўлади.

Агар “эҳтимол” атамаси бошқа “ўхшаш буюмлар” ҳам тааллуқли деб ҳисобланса, у ҳолда бундай тахмин суд эксперти шикастланишда акс этган белгиларнинг етарлича йиғиндиси мавжуд бўлганда ҳам, изланаётган объект ва тадқиқ қилинаётган пичоқнинг гуруҳий мансублиги тўғрисида қатъий хулоса чиқара олмаганлигини англатади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам, ижобий маънода суд экспертнинг касбий тайёргарлигининг паст даражаси, салбий маънода эса – унинг касбий нолайиқлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Бу каби якуний хулоса терговчининг (суриштирувчи, прокурор, судья) беихтиёр равишда ушбу пичоқни жиноят содир этиш учун ишлатилганлигини тахмин қиладиган тусмолни текшириб кўришга йўналтиради, айти пайтда, бу ҳолатдаги ягона тўғри хулоса – тадқиқот объектларининг гуруҳий мансублиги тўғрисидаги хулоса бошқа, самарали ва тўғри тергов тусмолларини шакллантириш ва уларни текширишга йўналтириши мумкин эди.

Бу каби хулосанинг тахминий баён қилиш қуйидагича бўлиши мумкин: *“фуқаро А.нинг қўйлагидаги шикастланишлар тақдим қилинган пичоқ билан ҳам, тигининг ўлчам ва тузилиши хусусиятлари бу пичоқ билан ўхшаш бўлган бошқа ҳар қандай пичоқ билан*

*етказилган (ҳосил қилинган) бўлиши мумкин”.*

## **7–§. ХУЛОСАЛАР (ЯКУНИЙ ЖАВОБ)**

Умумий маънода, хулосаларни (якуний жавоб) шакллантириш учун талаблар қуйидагича бўлиши мумкин:

– хулосаларнинг қуйидаги шакллари маълум: катъий (ижобий ва салбий), эҳтимолли (ижобий ва салбий), берилган саволга жавоб беришнинг иложи йўқлиги ҳақида хабарнома.

Экспертнинг якуний хулосаларининг бу каби шакллари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаган, улар суд экспертизаларини ўтказиш методикаларига бағишланган махсус адабиётларда мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда 2017 йил 7 июлдаги 174-мҳ-сон буйруғи билан ўзгартириш ва қўимчалар киритилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”да “Агар бир масала бўйича эксперт хулоса берса, бошқаси бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузиш учун асос мавжуд бўлса, у ҳолда ягона ҳужжат — суд эксперти хулосаси тузилади” деб белгиланган.

Мазкур йўриқномада шунингдек, “Суд эксперти қуйидаги ҳолларда қўйилган масалалар юзасидан хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги асосланган далолатнома тузади:

агар қўйилган масала суд экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун махсус

билимлар талаб қилинмаса ёхуд масала ҳуқуқий тусга эга бўлса;

тақдим этилган текшириш объектлари ёхуд материаллар уларнинг тўлиқ ёки сифатли эмаслиги туфайли хулоса бериш учун яроқсиз бўлса ва тўлдирилиши мумкин бўлмаса;

агар илм-фан ва экспертиза амалиётининг ҳолати қўйилган масалаларга жавоб бериш имконини бермаса;

текширишларни ўтказиш ва хулосалар бериш учун зарур шарт-шароитлар, услубий воситалар ва асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса, шу жумладан, суд эксперти ҳаёти ва саломатлигига касбий таваккаллик чегарасидан зиёд хавф туғилса” деб таъкидланган.

Аmmo, агар тадқиқ қилинаётган излар, бу изни қолдирган объектни идентификация қилиш учун яроқсиз бўлса, суд эксперти хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида якуний жавоб беришга ҳақли бўлса ҳам, тадқиқ қилинаётган изларни қолдирган объектнинг гуруҳий мансублигини аниқлаш имконига эга бўлади. Ушбу имкониятни ҳеч қачон бой бермаслик керак;

– хулосаларда (якуний жавоб) тадқиқот объектларининг барча ўзига хос хусусиятлари – “реквизитлари” ҳақида тўлиқ маълумотлар акс эттирилиши керак: номи (номланиши), олиб қўйилган жой, улар олиб қўйилган шахсларнинг фамилияси, исми-шарифи;

– эксперт хулосаларини (якуний жавоблари) турли талқин этишга йўл қўймайдиган аниқ ифодалаш лозим, уларда барчага маълум бўлмаган, тор мутахассисликка оид илмий ёки техник атамалардан атамалардан фойдаланиш мумкин эмас, хулосалари тушунарли тилда баён қилиниши лозим;

– хулосалар (якуний жавоб) сони эксперт олдиға ҳал қилиш

учун қўйилган саволлар сонига мос келиши керак. Битта якуний хулосада (жавоб) бир нечта саволларга жавоб беришга йўл қўйилмайди;

– жавоб беришнинг иложи йўқ шаклдаги хулосаларда, бошқа шаклдаги хулоса беришнинг иложи йўқлиги ҳақида изоҳ (тушунтириш) берилиши керак;

– эҳтимол шаклдаги салбий хулоса суд экспертлик амалиётида жуда кам қўлланилади, чунки у далилий аҳамиятга эга бўлмайди;

– хулосаларда(якуний жавоб) қўлланилган махсус атамалар суд эксперти томонидан эксперт хулосаси матнида ишлатилган махсус атамаларга мос келиши керак.

## **8–§. ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИНИ БАЁН ҚИЛИШ УСЛУБИ ВА ТИЛИ**

Эксперт хулосасининг сифати, суд экспертнинг тайёргарлиги ва малакаси даражасини баҳолашда, хулоса матнининг суд эксперти томонидан қўлланилган атамалар, саводхонлик, тадқиқот натижаларини баён қилиш этиш услуби ва тили каби хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётчи суд экспертлари томонидан тузилган эксперт хулосалари ва суд экспертларини тайёрлашга ихтисослашган олий ўқув юртлари талабалари томонидан тузилган ўқув-эксперт хулосаларини таҳлили натижасида юқоридаги кўрсаткичлар бўйича бир қатор камчиликлар аниқланди.

Юқоридаги камчиликларни олдини олиш мақсадида баъзи тавсиялар таклиф қилинади:



1) Излар ва из ҳосил қилувчи объектларнинг, шунингдек иизларда акс этган белгиларнинг шакли ва конфигурациясини тавсифлашда геометрик фигураларни таърифлашда қўлланиладиган атамалардан фойдаланиш керак: айлана, квадрат, овал, трапеция, учбурчак, бешбурчак, ромб ва ҳ.к. Мураккаб ҳолатларда уларнинг комбинациясига мурожаат қилиш мумкин.

Шаклнинг “ноаниқ” деб белгилаш ҳолатлари кенг тарқалган. Ёки бўлмаса, экспертнинг хулосаси матнида ўзига хос атамалар ҳам учраб туради: “чўзилган томчи шаклида” ёки “чўзилган ой шаклида”. Бундай таъриф билан белгининг аниқ шаклини тасавур қилиш қилиш жуда қийин натижада белгининг амалий аҳамияти ва қиймати йўққа чиқади. Шу боисдан, белгини аниқса шаклини таърифлашда барча учун тушунарли атамалардан фойдаланиш тавсия этилади;

2) Кўп миқдордаги бир турдаги белгиларнинг, масалан, динамик излардаги майда чизиқларнинг ўлчам хусусиятларини таърифлашда, бу ўлчамлар жойлашган чегара қийматларни кўрсатиш мумкин, масалан: *“... изнинг юқори қисмида жойлашган излар кенглиги 0,4 дан 1,2 мм гача оралиқда жойлашган”*. Аниқ маълумотларга эга бўлмаган ва белгиларни баҳолашни истисно қиладиган “турли хил кенгликдаги кўплаб излар” каби ибораларни қўлламаслик керак;

3) Тадқиқотлар жараёнини ўта илмий тарзда баён этиш ҳам тўғри эмас. Мисол тариқасида оддий динамик ишқаланиш изининг қуйидаги таърифини келтириш мумкин: *“Из объект сирти бўйлаб бузиш қуролининг силжиши натижасида ҳосил бўлган, бу жараёнда из ҳосил қилувчи куч маълум бир бурчак остида ҳаракат қилган*

ҳамда натижада объект ташиқи сиртининг бузилишига саба бўлган зичланиши юзга келган”. Бу каби баён этиш усулижуда мураккаб тузилишга эга, бу эса матнни тушунишни қийинлаштиради (матнни ўқилганда, ҳодисани тасаввур қилиб бўлмайди).

Кўпинча суд эксперти қарама-қарши (фронтал) бурчакни жуда батафсил таърифлайди, бу эса умуман ортиқчадир;

4) Мактаб даврида ўқитилган бошланғич геометрияни яхши билмаслик, суд экспертлари томонидан “қирра” ва “қовурға”, “текислик” ва “майдон”, “синиқ чизиқ” ва “эгри чизиқ” каби атамалар фарқнисезмаслигига олибкелади. Юқоридагилар экспертнинг хулосаси матнларидақуйидаги каби ибораларнинг вужудга келишига сабаб бўлади: “нукта ва тўғри чизиқ орасидаги бурчак 70 градусни ташки қилади”, “эгриликрадиуси 40 градусга тенг”, “геометрик тўғри айлана (*геометрик нотўғри айлананинг ўзи мавжуд эмас*) шаклдаги концентрикчизиқлар кузатилади”;

5) Объектларнинг ёки из моддаларининг рангини ифодалаш учун уларни “тўқ” ёки “оч” қўшимчалари билан тўлдириб, ёруғлик спектрининг асосий рангларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. “Нам асфальт (мокрый асфальт)”, “металлика”, “коррида”, “пишган гилос” ва бошқалар атамалардан фойдаланиш тавсия этилмайди.

6) Тадқиқотнинг ҳар бир босқичининг таърифлари хатбошидан бошланиши керак;

7) Барча ўлчам хусусиятлари ва катталикларга ўлчов бирлигининг кўрсаткичи кўрсатилиши керак;

8) Диаметр, бурчак, ёй ва ҳ.к. каби катталикларни белгилаш учун шартли белгилардан фойдаланиш тавсия қилинмайди;

9) тадқиқот объекти ва унинг элементлари (қисмлари, деталлари) номи тадқиқот жараёнларини таърифлаш давомида бир хилда сақланиши керак. Ишлатилган бир сўзни кейинчалик матн давомида синонимлар билан алмаштирмаслик керак. Ушбу қоидага риоя этмаслик тадқиқ қилинаётган объектнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғдириши мумкин. Масалан, суд эксперти айнан бир объектни брусок, ёғоч бўлаги, ёғоч парчаси, тахта бўлаги деб атайди, бу эса матнни тўғри тушунишни ва уни келгуси баҳолашни сезиларли даражада қийинлаштиради.

10) Адабий тили грамматикаси қоидаларига риоя қилиш (имло ва пунктуация) ажралмас талабдир. Афсуски, суд экспертлик амалиётининг таҳлиллари натижасида хулоса матнларида жуда кўплаб имло хатолари учраши, ҳатто балки тиниш белгиларининг ўзбошимчалик билан жойлаштиришлар ҳам учраб туриши маълум бўлди;

11) эксперт хулосасининг ҳар бир бети суд эксперти ўз фамилиясини кўрсатган ҳолда имзоланади.

## **9-§.ФОТОЖАДВАЛ**

Экспертнинг хулосаси, бошқа далиллар сингари, терговчи (суриштирувчи, прокурор) ва суд томонидан баҳоланади. Унинг мазмуни ва якуний хулосалари (жавоблар) процесснинг барча иштирокчилари учун тушунарли бўлиши керак. Бу каби талабларни таъминлаш ва эксперт хулосасининг аниқлиги ва ишончлилигини ошириш учун “хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий

қисми бўлиб хизмат қилади”<sup>1</sup>.

Суд экспертлик фаолиятига оид қонунчилик ёки соҳавий кодексларда фотожадвалларни мажбурий тайёрлашни ҳамда бундай илованинг таркиби ҳамда ҳажмини белгиламайди. Чунончи “Агар суд эксперти хулосасида эксперт текширишлари ва натижаларини тасвирловчи фотожадваллар, диаграммалар, чизмалар ва шу каби иловалар берилса, улар ҳам суд эксперти (экспертлари) томонидан имзоланади”<sup>2</sup>.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам маълум бир тадқиқотни ўтказишда суд эксперти ўз тажрибасига асосланиб ушбу масалани турли йўллар билан ҳал қилади. Шу билан бирга, идентификацион трасологик экспертизаларини ўтказиш амалиётида ушбу масала бўйича бир қатор талаб ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фотожадвал тадқиқотлар ўтказилиб, унинг натижалари ва яқуний жавоблар суд экспертига маълум бўлганидан сўнг тузилади, шу сабабли фотожадвалнинг таркиби ва ҳажмини осонгина аниқланади.

Фотожадвални тузишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

1) Фотожадвалда тадқиқот объектлар ўрама ва объектларнинг ўзини умумий кўринишини акс эттирувчи фотосуратлар; таққослаш тадқиқотлари ўтказилган барча изларни ҳамда экспериментал изларнинг фотосуратлари бўлиши керак;

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, 23-модда. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. – 22-сон. – 173-м.

<sup>2</sup>«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома», 44-банд / Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда 2017 йил 7 июлдаги 174-мх-сон буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

2) Барча фотосуратлар суд-фотографияси қоидалари асосида, албатта, объектлар ва хусусиятларнинг ўлчов хусусиятларини аниқлашга имкон берадиган масштабни усулда олинган бўлиши керак, бошқача айтганда фотосуратларда масштали чизғичнинг ҳам тасвири бўлиши керак;

3) Агар таққослаш тадқиқотлари сезиларли даражада катталаштирилган ҳолда, масштабни чизғичдан фойдаланишни рад этадиган микроскоп ёрдамида амалга оширилган бўлса, фотосуратлар остидаги изоҳларда фотосуратга олишда ишлатилган қурилманинг катталаштириш даражаси кўрсатилиши керак;

4) Оддий солиштириш усули билан ўтказилган таққослаш тадқиқотларини кўргазмали ифодаладиган фотосуратларда ўзаро ўхшаш белгилар бир хил рангдаги бўёқ билан белгиланиши ва уларни имкони борича соат миллари йўналиши бўйича синхрон индексациясига эга бўлиши керак;

5) Таққослаш тадқиқотларини акс эттирувчи фотосуратларда юқорида ўзаро ўхшаш белгилар бир хил рангдаги кўрсаткичлар билан белгиланган бўлса, фотожадвалда худди шу фотосуратларнинг назорат тасвирлари – кўрсаткичларсиз назорат фотосуратлари ҳам жойлаштирилиши керак;

6) Фотосуратлар остидаги изоҳли ёзувларда тасвирланган объектлар ёки уларнинг лавҳалари (қисми) тўғрисида тўлиқ маълумот бўлиши керак. Қисқартирилгани зоҳли ёзувлар, **масалан:** “таққослаш тадқиқотларининг кўргазмали иловалари” каби қисқа ёзувлар мумкин эмас;

7) Таққослаш тадқиқотларини акс эттирувчи фотосуратлар бир

қаторга жойлаштирилиши керек, бунда текширилаётган изнинг фотосурати чап томонда, экспериментал из эса ўнг томонда жойлаштирилади;

8) Фотографик ёнма-ён тушириш усулида ўтказилган таққослаш тадқиқотларини тасвирлашда фотосуратлар қатъий бир хил масштабда ва бир хил ёруғликларда олиниши керек. Бундай ҳолда, ёнма-ён тушириш (таққослаш) чизиғи тўғри ёки синиқ чизик шаклда бўлиши мумкин;

9) Фотожадвалнинг охирида фотосуратлардаги белгилар ифодалаган кўрсаткичларни изоҳловчи ёзувлар қайд этилиши керек.

## Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги 2010 йил 1 июнь қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Тошкент, 2010. — 22-сон. — 173-м.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – Тошкент, 2011, – 1-2-сон, – 7-м.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома / Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда 2017 йил 7 июлдаги 174-мх-сон буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Акбергенова К.А., Маршанская О.П. К вопросу о комплексных медико-криминалистических экспертизах (их назначение для решения диагностических задач) // “Суд-экспертиза ютуқлари ва ривожланиш истиқболлари”. Тўплам. — Т., 2001.

Бертовский Л. Работа следователей с объектами на месте их обнаружения// Законность. — М. — 2007. — № 5.

Василькова Л.И., Маршанская О.П. «Трасологическое исследование механизма образования следов и повреждений на автомобилях при наездах на пешеходов». (Методическое письмо для экспертов), — Т., 1995.

Гришина Е.П., Саушкин С.А. Участие эксперта-криминалиста в осмотре места происшествия // Следователь. — 2007. —№ 1 (105).

Закурлаев А.К. Махмудов К.О.Криминалистика. Дарслик. Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти. – Т., 2018;

Жукова Н.А. Трасология и трасологическая экспертиза. Теоретические основы: учебное пособие для вузов / Н.А. Жукова, И.Н. Кислицина. — 2-е изд., испр. и доп. — М., 2019.

Калякин А.В. Описание объектов трасологической экспертизы и образцы заключения эксперта: учебное пособие / А. В. Калякин [и др.].— Саратов, 2000.

Калякин А.В. Образцы заключений трасологической экспертизы: учебное пособие / А.В.Калякин, Р.Е.Демина, А.А.Киселев.— Саратов, 2004.

Криминалистика: Дарслик. 1-қисм // проф. Ғ.А. Абдумажидов тахр.ост. – Т., 2003;

Криминалистика. Ш.Т. Джуманов. Дарслик. – Т., 2017;

Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступлений. — М., 2000.

О.П. Маршанская. О возможностях трасологической экспертизы по делам об автонаездах (моделирование ситуации сложного наезда на группу пешеходов). «Теорія та практика судової експертизи І кримналістики». Тўплам, вып.8, — Харьків, 2008.

А.Г.Сухарев, А.В.Калякин, А.Г.Егоров, А.И.Головченко «Трасология и трасологическая экспертиза». — Саратов, 2010.

Строгович М.С. Материальная истина и судебные доказательства. — М., 2005.

Столяров В.И. Процесс изменения и его познание. — М., 2006.

Рустамбаев М.Х., Норбоев А. Криминалистика: Чизмалар альбоми. – Т., 2002;

Трасологик экспертиза. Р.Р. Шакуров, Ш.Х. Камиловва бошқ. Дарслик. – Т., 2012;

Трасология и трасологическая экспертиза. Учебник /Кантор И.В. (отв. редактор), Ярмак В.А., Жигалов Н.Ю., Смольяков П.П. (отв. секретарь). — М, 2002.

Чуряков Э.И., Хамраева Ф.А., Азимова И.А., Зулфуқоров А.А. / Кийимлардаги турли из ва шикастланишларнинг трасологик тадқиқотлари методикаси: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ, 2019.



## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
1–§. Идентификацион суд-трасологик экспертиза хулосасининг умумий тузилиши .....	6
2–§. Суд эксперти хулосасининг тадқиқот қисми .....	12
3–§. Алоҳида тадқиқотлар босқичи .....	20
4–§. Эксперт эксперименти .....	36
5–§. Таққослаш тадқиқотлари босқичи .....	39
6–§. Таққослаш тадқиқотлари натижаларини баҳолаш (таҳлил қилиш) ва якуний хулосаларни шакллантириш .....	42
7–§. Хулосалар (якуний жавоблар) .....	53
8–§. Эксперт хулосасини баён қилиш услуби ва тили .....	55
9–§. Фотожадвал .....	59
Фойдаланилган адабиётлар .....	62

**ТУРАББАЕВ ХУСАНБЕК АБДУСАЛАМОВИЧ**

*Юридик фанлар номзоди, доцент*

**ИДЕНТИФИКАЦИОН СУД-ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ:  
ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ**

*Ўқув- қўлланма*

**Мухарир:**

**Мусаххих:**

**Техник муҳаррир:**

---

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_\_ . Нашриёт ҳисоб табағи \_\_\_\_\_ .  
Адади \_\_\_\_\_ нусха. Буюртма №\_\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида.

---

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси**  
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68